

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!



Яхшилардан сўз очдик

ОҚҚАН ДАРЁ ОҚАВЕРАДИ

Хар гал Пайариқ туманига йўлим тушганида "Дехқонобод" ҳўжалигидаги Аҳад Примов номи билан аталадиган қишлоққа бир мuddат тўхтаб, таъзим бажо қиламан. Худди шу макон туманининг забардаст раис буваларидан бири бўлган Аҳад Примовнинг муборак номи билан бевосита боғлиқдир. Бу инсон туман халқ ҳўжалиги тараққиётида сезиларли из қолдирган, халқ учун беназир хизмат қилган эди. Туманҳошлар буванинг ҳозирги "Дехқонобод" ҳўжалигини ташкил этиш ва оёққа қўйишда бекиёс хизмат қилиб, чўлни ўзлаштириб, ўша қийин даврда пахта, галла ва бошқа экинлардан мўл ҳосил этиштиришда жонбозлик кўрсатгани ҳамда мудҳиш уруш йилларида кўплаб оилаларни соғомон сақлаб қолганлигини эътироф этадилар. Аҳад Примовнинг хотираси авлодлар қалбида абадий қолиши учун қишлоққа унинг номи беришди.

Мен ҳикоя қиламочки бўлган инсон ана шу забардаст юртдошимизнинг ўғли Эрдҳо Аҳадовдир. Ота ўғитларини умр бўйи ўз шурига сингдирган бу инсон бутун меҳнат фаолияти давомида ҳалол ва фидойи хизмат қилиб эл оқлишига сазовор бўлди. Асли касби ҳуқуқшунос бўлган Э. Аҳадов дастлаб Каттакўрган шаҳрида,

сўнгра Оқдарё, Пахтачи туманлари ва Самарқанд шаҳрида оддий иш юритувчидан прокурорликкача бўлган йўлни босиб ўтди. Шу йиллар мобайнида қонунчиликни мустаҳкамлаш, адолатли йўл тутиш ва уни ҳимоя қилиш борасида тинмай меҳнат қилди.

Эрдҳо Аҳадов ўз касбининг моҳир мутахассиси бўлсада унинг қонида отаси ташкил қилган жойларга меҳр, халққа хизмат қилиш ҳисси жўш ураб эди. Болалиқдан қалбига ўрнашиб қолган ер тафти ҳуқуқшуносни қишлоқ ҳўжалиги соҳасига етаклади. Раҳбарларнинг тавсияси билан у "Файзиобод" ҳўжалигига раис қилиб сайланди.

Э.Аҳадовнинг савий-ҳаракати, ташкилотчилиги боис ҳўжалик аҳли қисқа мuddат ичида бир ёқадан бош чиқариб, мақсад сари астойдил интилди. Натижа эса чакки бўлмади ва ҳўжалик барча соҳалар бўйича юқори натижаларга эришди. Аввало, ундаги одамийлик, ҳушмуомалалик, одамоҳунлик ва яхшилик каби ислатлар халқнинг кўнглини топишда қўл келди. Хар бир йишга астойдил киришиб кета олиш, одамларни тинглаш ва хар бир топшириқни тўғри талаб қилиш қобилиятига эга, шунингдек, адолатпарвар, ҳақ гапни айта оладиган ва дўстлар учун жонини ҳам беришга тайёр турадиган раҳбарнинг доим иши беш бўлади-да. Раҳбар ижтимоий, маданий ва бошқа соҳаларда олқишга сазовор юмушларни амалга оширди. Иккинчи ҳаҳон урушида жасорат намуналарини кўрсатган қишлоқдошларимиз хотираси учун мажмуа барпо эттирди.

Ана шу хизматлари боис халқ Аҳадовни қўшни ҳўжаликка ҳам бош-қош бўлишга чорлади. Ишни энг аввало, одамлар аҳволини яхшилашдан бошлаган раҳбар халққа томорқа ер берди. Замон рўҳига мос қилиб илк бор бутун ҳўжаликни фермерликка айлантирди. Хар бир оиланинг қўлига иш, рўзғорига дон, камомадига эса даромад кирди. Туманда қанд лавлаги этиштирадиган мини завод қурилиши халқнинг уддабурон раҳбарга янада меҳрини товлантирди. Бу инсоннинг деҳқон билан ҳам, олим ёки юрист билан ҳам маромига етказиб сўзлаша олиш маҳоратига қўйил коласан киши.

Бинобарин, бугун Э.Аҳадовнинг босиб ўтган ҳаёт йўлига назар солар эканман, унинг эл манфаатини ўз манфаатидан устун қўйган раҳбар, муҳтожнинг бошини силагувчи меҳрибон ота, яхши-ёмон кунда елкашо дўст инсонлигига амин бўламан.

Нафақат ота ўғли, балки эл фарзандига айланган Эрдҳо Аҳадов олтимши ёшни қоралади. У билан сўҳбатимизда ўтган умрига назар ташлади чоғи, "Мана эски йилни ҳам кузатмоқдамиз. Ҳали қанча режаларим бор. Қишнинг бошланишиданоқ янги йилнинг деҳқонга, халққа барака олиб келишидан умидворман. Ер тўйса, эл тўяди-да. Янги йил юртга тинч, элга кут йил бўлиб келсин", деди.

Ҳа, доим элнинг тўқлиги, юртининг тинчлигини ўйлаб яшаётган шундай инсонлар бор бўлсин, омон бўлсин.

Назар БОТИР,
Самарқанд вилояти.

Аёллар ва болаларда темир моддаси ҳамда йод этишмаслиги боис келиб чиқадиган муаммолар ҳақида ҳаммамиз эшитганмиз. 1998 йилда гематоген ишлаб чиқариладиган "Зукко" фирмасини ташкил қиларканман мен ҳам ана шу муаммони бартараф этишга ўз ҳиссамни қўшишни ният қилдим. Ҳозир таркиби темир ва йодга бой бўлган йодогематогенни ишлаб чиқараяпмиз. 2006 йилда ҳам яхши натижаларга эришдик. Кейинги пайтда анча талаб кўпая бошлаган



ЭЗГУЛИК ШИОРИМИЗ

гематогендан бу йил 1 миллион дондан зиёд ишлаб чиқардик. У республикамиздаги барча дорихоналар ва савдо шохбчаларида сотилмоқда. "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" да биз ҳам савобли ишларга бош қўшиб маҳсулотимиздан кам таъминланган оилалар болалари, кексалар, "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчиларига ҳайрия тариқасида таркатдик.

Бу корхонани очиб 24 кишини иш билан таъминладим. Корхонамизни ташкил қилгач Беларуссияга бориб ширинликлар ва гематоген ишлаб чиқариш технологиясини ўзим батафсил ўрганиб келдим. Тўғри, шоколад ёки бошқа конфетлар ишлаб чиқарсам ҳам бўлар эди, лекин уларни еган билан танада йод ёки темир микдори ошмайди-да. Гемато-

ген эса соғлиқ учун жуда фойдали. Утиб бораётган йилда улгурмаган савобли ишларимизни "Ижтимоий ҳимоя йили"да давом эттиришни ният қилганмиз. Чунки Президентимиз айтганларидек, ижтимоий ҳимоя масаласи фақат давлатнинг ёки ҳайрия ташкилотларининг иши эмас. У барчамизга дахлдор. Бу савобли ишда ҳаммамиз ўз ҳиссамиз билан иштирок этишимиз керак.

Тилагим инсонлар соғ бўлишин! Янги йил барчамизнинг хонадонимизга кут-барака, яхшилик ва эзгуликлар олиб келсин!
Лазоқатхон ҚАЮМОВА,
Янгийўл шаҳридаги
"Зукко" фирмасининг раҳбари.

БАРЧАГА СОҒЛИК ТИЛАЙМАН!

Инсон саломат бўлса, оиласида хотиржамлик, ҳаётда шодлик, ишида унум, барака бўлади. 2006 йил давомида кўп ишларни амалга оширдик. "Шаҳанд", "Ўзбекистон", "Гулшан", "Бастом бува", "М.Топи-волдиев", "Шовот", "А.Навоий" номили сўҳаттоҳларимизни ҳомийларимиз ёрдамида таъмирладик.

Йил давомида сўҳаттоҳларимизда 15 мингдан ортиқ юртдошларимиз ва уларнинг фарзандлари даволанишиб, дам олишди. Ихтиёримиздаги 8 та сўҳаттоҳ ва 4 та болалар оромгоҳлари кўркам, замонавий жиҳозланган.

"Ижтимоий ҳимоя йили", деб аталган йилимизда ҳам юртдошларимизга намунали хизмат кўрсатиш режаларини тузиб қўйганмиз. Эҳтиёжманд инсонлар, қолаверса эл-юртга кўп хизмати сингган фахрийларга имтиёзлар яратишни мўлжаллаб турибмиз. "Соғлом оила—соғлом бола" дастурида бизнинг ҳам улшшимиз бўлса, замондошлар-



римиз соғ-саломат бўлиши учун ҳисса қўшсак, деймиз.

Янги йил барча юртдошларимизга аввало саломатлик тилайман. Хонадонлари файзга, нурга йўғрилиб, кўнглиллари шодликка тўлсин!

Раҳима АМИНЖОНОВА,
Республика "Саломатлик-Р" МЧЖ раиси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

ОЛАМ ҚЎШИҚҚА ТЎЛСИН!



Санъат аҳли қаерга борса унинг ортидан аввало қўшиқ, сўнг шодлик киради, дейишади. Рост! Шундай гапларни эшитсам, санъаткор бўлганимдан қувониб кетаман. Аслида юртимиздаги қайси хонадонга борманг деворга осиб қўйилган дутор, танбурни ёки чилдирмани кўрасиз. Бошқа соҳаларда ишлайдиган нозиктаб инсонлар оқшом дутор чертиб хиргойи қлишини хуш кўрадилар.

Мен 13 ёшимдан буён санъат ола-

мидаман. Вақтнинг ўтишини қаранг, бугунги кунда ўзим қўшиқ айтиш сирларини ўргатаётган талабаларим бор. Мумтоз қўшиқларни булбулдек куйлайдиган иқтидорли шогирдларим билан фахрланаман. Ўтаётган йилдан дил-дидан қониқиш ҳосил қиламан. Чунки ушбу йилда шогирдларим сафи янада кўпайди. Яккахоҳ қўшиқчилик ва уни ижро этиш усулларига бағишланган илк китобим чоп этилди. Устозларимиз хотирасига бағишланган концертлар ўтказиш, уларни эслаш аёнанага айланди. Бундан қувонам бўладими?

Мана, "Ижтимоий ҳимоя йили" арафасида турибмиз. Хўш, биз санъаткорлар бу йилга қандай хисса қўшишимиз мумкин? Аввало, юртимизнинг турли бурчакларидаги ёш истеъдод эгаларига ўз иқтидорини намоён этишларида кўмаклашиш, устоз санъаткор-

ларнинг хурматини жойига қўйиш билан иштирок этишимиз керак, менимча. Асос бўлса 2007 йилда Юнус Ражабий номидagi танлов ўтказилиши мўлжалланмоқда. Биз ҳозир шунга тайёрларлик кўраемиз. Устозларим, шогирдларим ва ўзим мумтоз ва дилбар қўшиқларимизни ижро этамиз. Шогирдларимиз орасидан янги ижрочиларни саҳнага чиқарамиз. Шунингдек, китобимнинг иккинчисини чоп эттирмақчиман.

Қўшиқ эшитган одамларнинг қалбидан ёмонлик чекинади, яхшилик хис-туйғулари камол топади.

Келаётган "Ижтимоий ҳимоя йили" да миллий, мумтоз қўшиқларимизнинг ашаддий мухлислари кўпаяверсин.

Хуррият Исроилова-ҚОСИМОВА,
Республикада хизмат кўрсатган артист

ЮРТДОШЛАР, МУБОРАК ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ!

Юртдошлар, муборак янги йилингиз, Туганмас шодликка тўлсин дилингиз. Ҳар уйда кўқарсин бахтнинг чинори, Некликка туташсин босган изингиз.

Безавол янасини мустақил диёр, Тинчлик-томувлик бўлсин барқарор. Ғам-андуҳ кўрмасин асло бошингиз, Ҳамиша бор бўлсин сизга дўсти-ёр.

Фарзандлар ўссинлар шод-хуррам, омон, Гулласин ҳар ошён, хуш келсин даврон. Осойиш оғуида чайқалмай замон, Янги йил келтирсин барчангизга бахт.

Эзгулик уруғи кўпайсин, унсин, Талотўп кечмишдан кўнгуллар тинчсин. Башар қўёши чарақлаб турсин, Янги йил келтирсин хушнудлик ҳар вақт.

Ҳеч уйда ўчмасин умр чирого, Соғ бўлсин, қариндош, дўсти-ўртоғи. Аҳиллик, томувлик бўлсин бизга ёр, Ҳамиша порласин Ватан байроғи.

Осмонимиз бўлсин ёруғ-беғубор, Ватан мадҳиясин айлайлик шпор. Зафарларга тўлсин ҳар бир онимиз, Ҳақиқат, адолат доим барқарор.

Тилагим, дўстларим, шудир ҳамиша, Ўшорим армуғон - байрамга қўша. Қўйил-қўла бериб, бўйингиз ҳамроз, Иқболдан нур эмсин ҳар ошён, гўша.

Сафар АБДУРАҲИМОВ,
Мақтаб-маориф фахрийси,
Нурота шаҳри.

ИҚТИДОРЛИ БОЛАЛАР КЎПАЙСИН!

ва араб тилларида раво гапирадиган бўлиб борадилар. Бундан ташқари улар карате, иқтисод, компьютер ва мусиқани ҳам ўрганадилар. Истеъдодли ўқувчилардан тузилган "Булбулча" дастамиз ҳам бор. Бизнинг ўқувчиларимиз нафақат Кўкон шаҳрида, балки Фарғона вилоятида ўтказиладиган байрам тантаналарида ҳам фаол иштирок этадилар.

Боғча-гимназиямизда махсус танлов асосида ишга олинган ўқитувчилар, тарбиячилар ишлайдилар. Улар ҳар бир бола учун жон куйдиришди. Келгуси йилда эса ўқувчиларимизга билим бериш борасида кўп аниқлик киритмоқчимиз. Корей ва француз тилларини ўқишини ҳам таътиб этмоқчимиз.

"Ижтимоий ҳимоя йили" да ҳам фарзандларимизнинг замонавий таълим ва тарбия олишлари учун имконият, шарт-шароит яратиш энг муҳим ва устивор вазифа бўлиб қолиши юртбошимиз томонидан алоҳида таъкидланди. Демакки, болажонларимизнинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етишида биз халқ таълими ходимларининг масъулияти янада ошади.

Мамлакатхон СОДИКОВА,
Кўкон шаҳридаги 20-боғча-гимназия раҳбари, 1-даражали "Соғлом авлод учун" ордени нишондори



Боғча-гимназиямизни ҳар йили 60 нафар иқтидорли ўқувчилар битириб чиқади. Икки ёшдан боғчага келган бу болажонларимиз мактабга инглиз

САРҲИСОБ ВА ЯНГИ РЕЖАЛАР

Тошкентда Республика Хотин-қизлар кўмитасининг навбатдаги бошқарув йиғилиши бўлиб ўтди. Унда аёллар фаолиятини кўллаб-қувватлашга қаратилган Президент Фармони ва ҳукуматимиз қарорлари ижроси доирасидаги ишлар таҳлил қилинди.

Шунингдек, тадбирда жорий йилнинг ўн бир ойи якуналари муҳокама қилиниб, 2007 йилнинг иш режаси белгилаб олинди. Қабул қилинган бир қатор меъёрий ҳужжатлар хотин-қизлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш имконини бериш баробарида улар салоҳиятини намоён қилишнинг муҳим йўналишларини белгилаб берганлиги анжуманда

алоҳида таъкидланди.

Дастлаб иштирокчилар ўтган давр мобайнида тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш, чекка қишлоқларда янги иш ўринларини ташкил этиш, аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда уларни жамоат ишларида жалб этиш борасида бажарилган вазифаларни муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, 11 ой мобайнида хусусий сектор ва касаначилик ривожига сабаб қарийб 170 миң иш ўринлари ташкил этилди. Республика Савдо-саноат палатаси, молия муассасалари билан кенг ҳамкорлик ўрнатилганлиги жойларда бизнес режалар тузиш ҳамда мақсадли лойиҳалардан фойдаланиш қонун қондалари тўғрисидаги семинарларнинг

мунтазам ўтказилганлиги ижобий кўрсаткичларга эришишда асос бўлди. Анжуманда ишбилармон аёллар фаолиятига 29 миллиард сўм маблағ ажратилганлиги қайд этилди. Шундан 2 миллиард 670 миллион сўми микрокредитлардир. Албатта, келажак режалар муваффақияти аввалги фаолият сарҳисобига боғлиқ. Пленум қатнашчиларига хотин-қизлар саломадлигини сақлаш ва ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Ютуқлар билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликлар ҳам муҳокама қилинди. Уларни бар-тароф этиш мақсадида турли ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

"Туркистон-пресс"



ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкент шаҳар Оила маросимлари маркази қошида жамоатчилик асосидаги ёш оила қурувчилар мактабининг олиб бораётган ишлари таҳсинга лойиқ.

Маъмур мактаб "Оила дорил-фуни" махсус тарбиявий курси режаси асосида олти йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Мактабнинг асосий мақсади оила қурувчи ёшларга ҳуқуқий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва тиббий билимларини оширишда кўмаклашишдан иборат.

Мактаб тингловчилари шаҳардаги юридик, тиббиёт, алоқа, маданият, хотин-қизлар, рассомчилик, транспорт коллежларининг 1-2 босқич талабалари ҳамда оила қуриш учун ариза берган бўлажак келин-куёвлардан

иборат. Тингловчиларга ўқув йили якунида махсус сертификат топширилади.

Ушбу ўтказиладиган машғулотларда ташкилий гуруҳ раҳбари ўринбосари, Гафур Фулом номидagi маданият ва истироҳат боғининг маънавият-маърифат бўлими мудири Музаффар Жаъфаровнинг сазъ-ҳаракатини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мактабнинг навбатдаги машғулотига тингловчилар "Оила ва жамият" газетаси ходимлари билан учрашдилар. Газета бош муҳаррири Д.Саидова, фаол муаллим Азимжон Қосимов, муҳбир С.Фахриддиновлар газетанинг ижодий фаолияти ҳақида гапирдилар, тингловчиларнинг саволларига жавоб бердилар.

Шаҳноза МИРСОДИКОВА

ЭЛ СОҒЛИГИ ЙЎЛИДА

"Ҳомийлар ва шифокорлар" йили муносабати билан "Экосан" Халқаро ташкилоти ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорликда "Энг яхши поликлиника", "Энг яхши қишлоқ врачлик пункти", "Энг ибратли участка врач", "Санитар-гигиеник ва экологик маданияти юқори шифохона", "Йилнинг энг яхши санитар врач" йўналишлари бўйича танлов ташкил қилган эди.

Наманган вилояти болалар юкумли касалликлар шифохонаси, Жиззах шаҳридаги 2-оилавий поликлиника, Навоий вилояти Навбахор туманидаги "Оқ олтин" қишлоқ врачлик пункти, Наманган вилояти Давлат санитария эпидемиология назорати марказининг бўлими мудири Гавҳар Нишоновна, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 46-оилавий поликлиникасининг врач Людмила Цойлар ўз йўналишларида ғолиб деб топилдилар.

"Экосан" халқаро ташкилотига бўлиб ўтган тадбир ана шу танлов ғолиблари ҳамда саломатлик поездларини ташкил қилишда, ижтимоий-экологик дастурларни ҳаётга тадбиқ этишда фаол иштирок этган ҳамкор ташкилотларни тақдирлашга бағишланди.

Ўз мухбиримиз.

Дўстим, юр чикайлик, истиқболлига, Кўнгул ҳурларидан роз айтийлик, роз. Тилайлик элимнинг истиқболлига, Умрлар, умрки шонли, беҳиёс.

Ҳидоятли кунда дерлар кафт очиб, Тиловат айлсанг, бўлмиш ижобат. Неки кафт, юракка эрк туғин санчиб, Юртга тилағаймиз, шавкат, фароғат.

Яна тарк эмасин халқимни журъат, Ўқтамлик кетмасин юракларидан. Бардош ато этсин... ва яна қувват, Ганим ҳадлик олсин билакларидан.

Имонни бут қилсин, халқумини пок, Асрасин дилларин ҳасаддан, дарадан. Дўстим, кел, ният қил, тилак қил, тилак. Умрбоқий бўлсин бу халқ, бу Ватан.

Эшик чертаётган яши йил, Хуш кел, Хуш кел, айланай қадамларингдан. Юрак, нуқраларинг пойёга тўқил, Яккаш нурлар бўлсин оламга пайванд.

Санобар ФАХРИДИНОВА



Сухбатдошимиз — Ўзбекистон халқ шоираси, “Эл-юрт хурмати” ордени соҳибаси, “Саодат” журнали Бош муҳаррири Ойдин ҲОЖИЕВА.

ҒОЛИБ БЎЛИШ ҚАНЧАЛАР БАХТДИР

битта-яримта аёлларнинг болаларини ҳисобга олмаганда...). Ҳар битта олий маълумотли ўғил-қизи билан Она ҳам қайтадан дипломли бўлади.

— Ойдин опа, “Онажоним” шеърингизни ўқиганда, кўшигини тинглаганда таъсирланмайдиган киши бўлмаса керак. Инсон ким бўлишидан қатъий назар она пойга бош уради...

— Шеър жуда катта қувончдан ёки оғир йўқотишдан, қаттиқ ҳаяжондан туғилади. Юлдуз Усмонова “Онажоним” шеърини кўшиқ қилиб айтган. Ҳар гал эшитсам, кўзимда ёш айланади. Онам авжи баҳорда 87 ёшда оламдан ўтганлар. Ўша кунлари “гам қуюнлари омон суриб ўтди жоним устидан” деб ёзгандим. Онанинг маъракалари эди. Бехилар гуллаган, дунё ифорога тўлган тонг эди. Шундоқ қарасам, оппоқ гуллаган беҳи дарактига суяниб онам турибдилар. Оппоқ либосда, кумуш сочларининг бир тутами пешонабандлари остидан порлаб турарди. Ажаб, беҳи томонга йўналдим. Беҳи гуллари бағрига сингиб кетдилар. Юрагимга бир ёрулик, таскин тушиб, соғинч алаңгасида шеър туғилди.

Онажоним, сиз билан ҳақон Беҳиғулдай ифорли эди. Тунлар ойдин, кунлар шодмон, Шабадалар дуторли эди...

Киз болага она ҳаммиса ибрат, қувват манбаи бўлиб келган. Онами элсам, доим мен билан бир чироқ юргандай бўлади, нафаслари келиб туради. Мени 52 ёшларда топганлар. Супрақоқдилари — ўн бешинчи фарзанд эканман. Шажаралари 100 дан ортик эди — невара, эвара, чевара... Онам чаккаларига райхон тақиб юрардилар. Улардан офтоб иси, нон ҳиди келарди. Умр бўйи болалар тарбияси билан машғул бўлганлар. Биз 5 киз эдик (10 гўдакларни нобуд бўлган). Ҳаммамиз иш билан банд эдик. Болаларимизнинг “суягини қотириб” бериш учун жонлари ҳалак эдилар. Қишлоқдаги аёллар ҳам онамнинг атрофида асаларидай айланарди. Бибиражаб опамизнинг уйлари келди-кетдиси кўп, файзли хонадон эди. Хатто лўлиларга мусофирларга онам раҳм-шафқат кўрсатиб, меҳмоннавозил қилар, онаси йўқ мусофирлар билан “онахону ўғил” тутинардилар.

— Оилада аёл нафақат Она, рафика, бекалик унвонлари билан ҳам шарафли.

— Ҳақиқатан, оилада аёлнинг ўрни бекиёс. Оиланинг маънавий-ахлоқий муҳитини, мусаффо иқлимини аёл яратади. Отанинг, болаларнинг бир-бирига меҳр-муҳаббатини мувозанатга солиб туради Она. Она фарзандлар, қариндошлар орасидаги кўприк ҳамдир. Онам ҳаётликларида битта кўнгирак бўлса, учиб борардим. Ҳозир ҳам борганимда, аввало онамнинг абадий хобгоҳларини зиёрат қиламан. Улардан мадад оламан. Шундай қилмасам, ишларим юришмайди. Она бу — миллатнинг мураббиси. Она нечоғлик билимдон, маърифатли, тadbиркор, қудратли бўлса, эл-юрт ҳам шу қадар қудратли бўлади. Онанинг ўзи битта китоб ўқимаса, ҳуқуқини билмаса, фақат майда ташвишлар билан ўралашиб қолса, у тарбиялаётган фарзандлари ҳам худди шундай бўлади. Кўп кузатганман, уйда ҳам, ишда ҳам ўқтам, чаққон, саранжом, ишбилармон оналарнинг фарзандлари кучли шахс бўлишидан (ишни баҳона қилиб, оналик бурчини унутиб қўйган

Оиламиз меҳмони

хотинлик санъати мураккабдир.

— Болаларда ота-онанинг хизматларини ҳис қилиш, шунга муносиб иш тутиш масъулиятини тарбиялашга кўпда эътибор бермаймиз.

— Айтганингиздек, журналда ҳам онанинг ўрни, отанинг ўрни, фарзандларнинг ўрни қандай бўлиши ҳақида қатор мақолалар бераёلمиз. Бола ҳам ота-она берган меҳрни, маънавий, моддий таъминотни ҳис қилиши керак. Еяётган битта нони, битта оёғидаги туфлиси қардан, нима эвазига келаяпти — буларнинг қадрини билиши лозим. Сочи оқарганда ҳам ота-онасига юк бўлиб қолаётган ноқобиллардан асрасин. Ота-

— Болаларда ота-онанинг хизматларини ҳис қилиш, шунга муносиб иш тутиш масъулиятини тарбиялашга кўпда эътибор бермаймиз.

— Айтганингиздек, журналда ҳам онанинг ўрни, отанинг ўрни, фарзандларнинг ўрни қандай бўлиши ҳақида қатор мақолалар бераёلمиз. Бола ҳам ота-она берган меҳрни, маънавий, моддий таъминотни ҳис қилиши керак. Еяётган битта нони, битта оёғидаги туфлиси қардан, нима эвазига келаяпти — буларнинг қадрини билиши лозим. Сочи оқарганда ҳам ота-онасига юк бўлиб қолаётган ноқобиллардан асрасин. Ота-



Бойсун туманидаги «Меҳрибонлик уйи» болалари даврасида.

бўзчининг моқисидай қатнайди. Эракнинг буш вақти кўпроқдир. Эрак, менинг назаримда, оилада хотиннинг қадрини ўз ўрнига, болалар қадрини ўз ўрнига, қайнона-қайнота хурматини ҳам ўз иззатига мос белгилаб қўйса, бундай оила мустаҳкам бўлади. Эрак — аёлнинг пири, устози бўлсин. Хотинни ҳам тарбиялаб, парваршлаб юрсин. Аёлнинг жони қирқта деб, рўзгорнинг ола хуржунини хотинга ташлаб, жон койитмайди деганлар йўқ эмас. Ўлдим-куйдим деб, севиниб турмуш қуришиб, озгина машаққатга дуч келса, “характеримиз тўғри келмади” деб, янги ёр излайдиганлар эрак зотиданми? Муҳаббат ҳам — меҳнат. Уни зарра-зарра кўпайтириб, улгайтириб бориш керак. У йиллар тўфонда уқаланиб, майдаланиб, тупроққа айланган кетиши осон. Эракнинг дунёқарашини кенг, ахборот майдонини кенг, имкони чекирсиздир. У оиланинг кам-қўсти, аёлино фарзандларининг тақдирини ҳақида тинимсиз қайғуриши фарздор.

Баъзан жуда истезоддони, олийжаноб йигитга мол-дунёга ўч, ношуд хотин учраб қолади. Ана шунда чекига тушган аёлини тарбиялаш эракнинг вазифаси. Уддабурон, саришта, оқила ва билимдон аёлга танбал, жоҳил эрак учраганда эса уни “ийдириш”, қайтадан “ясовчи” қуллоб бўлиш учун аёл сабр-тоқат, зехну фаросат билан иш тутмоғи жоиз бўлади. Эр-

она кексайганда, уларни киприги устида тутган фарзандгина эли, юртининг ҳам қадр-қимматини билади.

— Баъзан ибратли оилаларнинг фарзандлари орасидан ҳам кўли эгри ёки гиёҳвандлар етишиб чиқади. Негизи?

— Қайси бир лаҳзада болаларни кўздан қочирган ота-онанинг бошига бундай савдолар тушади. Усмирлик даврида болалардан айниқса, жуда эҳтиёт бўлиш керак. Уларнинг даврасида битта ёмон “серка” чиқиб қолса, ҳаммаси унинг таъсирини берилади. Шу боис ота-она боланинг дўстлари, мактабдошлари билан муносабатини кўздан қочирмаслиги, яхши сўз, яхши ибрат билан тўғри йўлга йўналтириши лозим.

— “Турмуш маданияти”, “Оила юриши санъати”, “Эр-хотинлик муносабат маданияти” деган эскимайидиган мавзулар ҳозир ҳам долзарбдир. Шундайми?

— Булар журналхон севиб ўқийдиган мавзулар. “Кўнглининг нозик сирлари”, “Қулоққа айтиладиган гап”, “Оила иқлими”, “Қизлар, қизларжон” сингари рухналар “Саодат”да мунтазам ёритилади. Қўркам, озода, фаровон яшаш учун одам ҳамма нарсани билиши зарур. Гулларнинг таъсирини торттиб, ўзини руҳий ва жисмоний жароҳатлардан ҳимоя қилиши учун ҳам билимдон бўлиши керак. Бу

учун эса журнал муҳлисга беминнат ёрдандидир.

— Ойдин опа, “Саодат” Сизнинг тақдирингизда...

— Синфдош қизлар билан журналга хат ёзганмиз. Шунда бизнинг ҳам номимизни “обзор”га қўйишган экан. Ўшангача онам кекса, опаларимнинг болалари ёш бўлгани учун ўқишга боришни уйламагандим. “Обзор” сабаб бўлиб, ЎзМУ (аввалги ТошДУ)га ўқишга кирдим. Сўнг “Шарқ юлдузи” журналинда, кейин “Саодат”да — Зулфия опанинг қанотларида 9 йил ишладим. Ўзимни тоғдим. Зулфия опа биз — тортинчоқ қизларга ўқтамликни, назокатни, журъатни, одамларга яхши сўз айтиб, мақола ундириш санъатини ўргатдилар. Устоздан сипо, дид билан кишини санъатини ўргандик.

Мен учун онамнинг мактаби бир дорилфунун бўлса, университет — бир мактаб, Зулфияжоним ва “Саодат” мактаби бир тарбия бешиги бўлди. Яхши ёмонингда, иссиқ-совуқда, мактовлардан осмонларга учиб кетаётганимда, жиловланган тортиб, сергалланган кўядиган, гоҳ бўхтону маломатларга ботиб, ерга киргизиб юборишганда, қулонгандан тортиб, қаддингни тиклаб кўядиган инсон бўлиши керак ҳаётингда. Устоз Зулфияжоним шундай нажоткоримиз эдилар.

Ижодий сафарлар, кўнғироқлар, мақолалар... Бу жараёнда 30 га яқин шеърини ва насрий китобларим нашрдан чиқди. Яқинда “Назокат” номли янги тўпламим босмадан чиқади.

— Ҳаёт уммонида ҳамма ўз холича сузади. Аммо ярим йўлда жароҳат олишдан ёмони йўқ... Сиз бундай лаҳзаларда нима қилган бўлардингиз?

— Бундай лаҳзаларда фақат Аллоҳдан нажот сўрайди киши. Болишинг хўл бўлган пайтлар, жароҳатинг ёндирган пайтлар гоийбдан овоз келади: “Иглаб қоладиган яшилларингни ўйла, қаҳқаҳ уриб голиб куладиганларни эсла...” Шунда гоийбдан куч топиб, азод туриб кетасан, қил кўприқдан омон ўтасан. Ожиз қолганимда шивирлайсан: “Мендан ҳам ожизроқлар бор-ку!” Ҳаволаниб кетганимда шивирлайсан киши: “Мендан қудратлироқ, бахтлироқлар бор-ку!” Ушандай кезлар гулдираб шеър келади. Томирларингда ҳаётнинг қайноқ нафаслари гулпуради. Инсон дардлардан голиб чиқиб яшаши қанчалар қузурбахш, завқли!

— Оила — одамни ҳамма балолардан асрагучи кўргон дейишадими...

— Бўлмаса-чи! Оила — мен учун таянч нуқта, мени тутиб турган фаолият майдони. Бир чироқ ёғдусида икки ижодкормиз. Оила бошлиғи, рафиқам Иброҳим Гафуров (катта олим, таржимон, ёзувчи). Жуда олижаноб, меҳрпарвар, меҳнаткаш инсон. Кўнғил одами. Меҳри ҳам баланд, ўта ноzik, талабчан, ўта эътиборли. Менинг атрофимдаги сингилларимни ўз туғишганидай ардоқлайди, ҳурмат қилади. Қизимиз Малохатхон — техника фанлари доктори, набираларимиз бор.

Уйда бир аёл бажарадиган барча юмушдан оғринмайман. Мен ишдан кўпинча корректура, ёки ўқийдиган асарлар кўтариб қайтаман. Фикр сўрайман, ёрдан ўтинаман. Шеър ёзганимда, у кишига ўқиб беришга шошиланман. Ҳаяжонланаман. “Дуруст” деб қўйсалар, бошим осмонга етади. Хонадонимизда хотиржамлиқ, сокинлик, озодлик, тартиб бўлишини ёқтирадилар. Иккимиз учун ҳам интизом, қаттиқ ҳурмат, меҳнат, ишонч — энг муҳим қоида. Эркалик, инжиқлик қилсам, вазминлик билан кечириб кетаверадилар. Мен ҳам шундай қиламан.

— Муҳлисларимизга тилакларингиз?

— Янги йил барчага бахти бекамлик, тўқислик ва оилаларга файзу фаровонлик олиб келисин. Оила деган муқаддас иморат чироқлари ҳеч қачон ўчмасин.

— Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат. 2007 йил Сиз учун ҳам хуш келсин! Омон бўлинг!

Санобар ФАХРИДДИНОВА

ҚОРБОБОНИНГ СОВҒАСИ

- Сирдарёликман, "Ипподром"га келган эдим, баҳонада "Оила ва жамият"га бир кириб кетай, дедим. Янги йил ҳам экинчи йил қолди. Утган йилги янги йил кечаси биз учун жуда ўзгача ва қадрли бўлганди, шунга айтиб бермоқчи эдим, деди хонамизга кириб келган Нуржаҳон исмли аёл.

- Жилмайшингиздан қувончли воқеа содир бўлган кўринади?

- Бундан тўрт йил бурун эрим билан ажрашиб кетдик. Учта болам билан мени ташлаб, акасининг уйида яшаб юрганди. Ўзи аслида бир-биримизга кўнгил қўйиб турмуш қургандик.

- Севишган экансизлар, нега энди ажрашиб кетдингиз?

- Туппа-тузук яшаётгандик. Мен ўқитувчи, у шифокор. Эримни туман мақказий шифохонасига ишга қаришди. Аввалига қатнаб ишлаб, кейин баъзан қолиб кетадиган одат чиқарди. Сўрасам: "Йўл узок, шифохонанинг ўзида ётиб қолаётган", деди. Мен ҳам тўғри тушундим. Вақт ўтиб, қишлоқда миш-миш тарқалди. "Фалончи дўхтирининг иккинчи хотини бор эмиш", деган гаплар ҳам эшитдим. Бу ҳақда уларга айтсам: "Бўлар-бўлмас гаплар билан бошимни қотирма", деб уришиб берадди. Хуллас, бир кун бу гап-сўзлар беркорга чиқмаганини билиб қолдим.

Кенжа ўғлимнинг тўсатдан тоби қочиб қолди. Дадаси ишда эди. Олдига олиб боради, деб туманга жўнадим. Шифохонага бориб, "Отамуродов керак эди", деб эримни сўраганим: "У киши бугун навбатчиликдан уйига кетди, эртага бўлади", дейишди. Аслида у менга бугун навбатчи бўлишини айтганди. Бироз ўйланиб қолдим-да: "Синглим, у менинг қариндошим бўлади, боламини кўрсатмоқчи эдим, қандай топишим



мумкин?" деб сўрадим. Шунда ҳалиги ҳамшира киз «Келинг уй телефони бераман», деди. Мен жойимда қотиб қолгандим. Чунки бизнинг уйимизда телефон йўқ эди. Қоғозни олдим-да, кўчага отилиб чиқдим. Йўл бошидаги телефонхонага кириб, рақамларни тердим. Қарангки, гўшақдан аёл кишининг овози эшитилди.

- Синглим, қаерга тушдинг? - дедим базур овозим чиқиб.

- Ҳозир ҳўжайинимни қақираман, - деди.

Бу гапдан кейин эримнинг "алло, алло",

деган овози эшитилди. Мен эса гапиролмай, гўшақни қўйдим. Ташқарида ўғлим бир аҳволда турарди. Ўйлаб-ўйлаб боламни шифохонага жойлаштирдим-да, уйга келдим. Эртаси кун бурсам, шифохонада дув-дув гап. Эрим навбатчиликка келиб, кеча қабул қилинган беморларнинг ҳужжати билан танишганда, худди ўғлиникидек исм-фа-

милиyani ўқиб, ажабланибди. Қизиқиб, бола ётган хонага борса, ўз ўғлини кўрган. Шу кундан бошлаб, мен уни уйга киритмай қўйдим. У ишхонасидаги гап-сўзга чиқолмай, бўшаб кетди. Билмадим, бекорчиликми ёки алампиданми ичишга берилди. Кейин ўша аёл ҳам уни уйга киритмай қўйибди. Шу аҳволда икки йил юрди. Хатто биз қонуний ажралишдик ҳам. Энди унинг борар жойи йўқлигидан акасининг уйида яшаб юрди. Аммо мен ҳам икки йил ичида жуда қийналдим. Учта болани боқилишининг ўзи бўлмас экан, ундан ташқари болаларим отасини жуда кўмсагини сезиб, юра-

гим эзиларди. Ажрашганимизнинг учинчи йили янги йилни кутаётгандик. Болаларимнинг кўнгли учун уларни безадик. Дастурхон тайёрладим. Янги йил киришига ярим соат қолганида эшик қатқиллади. Чўшиб секин мўраланган катта ўғлим: "Қорбобо келди, қорбобо!" деб бақирди. Бу гапни эшитиб, ичкарида ухлаб қолган кенжа ўғлим ҳам отилиб чиқди. Эшикдан кириб келган қорбобога ҳаммамиз маҳлиё бўлиб қолдик.

- Салом болаларим! Янги йил билан табриклайман! Мен сизларга совғалар олиб келдим.

Бу овозни эшитдим-у, кўзларимдан ихтиёрсиз ёш оқа бошлади, бутун вужудим бўшашиб кетди. Болалар эса буни сезишмасди. "Қорбобо" халтасидан совғалар олиб, уларга улаша бошлади. Кейин кенжа ўғлимни тиззасига ўтказди-да: "Ўғлим, мен сенга дадангни олиб келиб берайми?" - деди. Шунда Нодиржон бошини қимирлатиб, менга жовдираб қаради. "Қорбобо" яна гапира бошлади:

- Дадаларинг ҳам сизларни жуда соғинган. Сизларсиз ўлиб қоларкан, деди.

Шунда катта ўғлим: - Ие, даданнинг ўзи-ку, товушидан танидим, қорбобо бўлиб кепти! - деб қичқириб юборди.

Ҳамма бирдан қулиб юборди. Шу баҳона "Қорбобо" уйимизда қолиб кетди. Аслида эрим бу қилиқни ўзининг айбини ювиш учун ўйлаб толганини билардим. Мен ҳам бу баҳонадан иччимдан хурсанд эдим. Қувончи ичига сиғмаган фарзандларимнинг сакрашини кўрсангиз эди...

Мен яна шунга айтмоқчиманки, бизга ўхшаб бироз хатога йўл қўйиб, бахтли оиласига совуқлик тушган, фарзандларини соғиниб юрган инсонлар бўлса, янги йил кечасидаги мўъжиза яхши баҳона бўлиши мумкин.

- Келаётган йилнинг барча оилаларга бутунлик, тўқислик олиб келсин. Сизнинг ҳам оилангиз тоабд мустаҳкам бўлсин.

М. ШУКУРОВА

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

Хонамга иккита аёл кирди. Ёшроғининг ҳомиладорлиги кўриниб турарди.

- Мана шу қайинсинглим масаласида келгандик, деди каттароқ ёшдаги аёл. Узатганимизга тўрт йил бўлганди. Мана, оиласи бузилиб, уйга келиб ўтирибди. Бирор айби бўлса ҳам майли эди...

- Нима сабабдан турмуши бузилди?

- Узатганимиздан сўнг тўрт йилгача фарзанд кўришмади. Очигини айтмай, қайнонаси

Унинг эса кетгиси келмасди. Яна икки кун қолиб кетди. Охири қайнонаси олиб келиб, ташлаб кетди.

Шундан сўнг у касал бўлиб, овақат емасдан, озиб-тўзиб кетди. Нима эса қайт қиларди. Чақирган шифокоримиз эса: "У сарик касал бўлибди", - деб юқумли касалликлар шифохонасига олиб кетди. Улар бўлса гинеколог хузурига юборишди. Маълум бўлишича, Зумрад ҳомиладор экан. У эрининг уйида яшаб юрганидаёқ ҳомиладор бўлгану

ўзи буни билмаган. Шундан сўнг биз қудамзаникага суюнчи олгани бордик. Бориб хушбабарни айтдик.

- Улар қувониб кетишдими?

- Қаёқда дейсиз? Онаси кўзларига ёш олган бўлса-да, қувёнимиз: "Нега энди у уйдан кетган заҳоти хомиладор бўлади?,- деб шубҳа-ғумонга борди. Шундан сўнг индамай уйга кетдик.

Зумрад энди эрининг уйланиб кетишидан, фарзандининг тирик етим бўлишидан қўрқаяпти.

Зумрадга Оллоҳ фарзанд ато этибди. Наҳотки у отасиз туғилса? Ахир зарурат туғилса ахволни аниқлаб берадиган шифокорлар бор-ку! Лекин у туғилгунча отаси уйланиб кетса-чи? Боласини тан олмаётган ота кейинчалик пушаймонда юрмасмикан?

БАСИРА

ОЛИСДАГИ



ҚАДРДОНЛАРИМИЗ...

Тахририятимизга Хоразм вилоятининг Хонқа туманида яшайдиган қадрдонимиз Курамбой ака Отажонов кириб келди. Биз кўпдан қўришмаган азиз меҳмонимизни хушнудлик билан кутиб олиб, ҳолаҳвал сўрашдик.

- Мана, обуна мавсумини ҳам унумли яқунладик. Узим ишлайдиган "Хонқа Дон" маҳсулотлари ОАЖ комбинати" ишчи-хизматчиларидан 45 кишини "Оила ва жамият" газетасига обуна қилдик. Улар даярли ҳар бир сонини қизиқиб ўқишади, - дейди у бизга аввало хушбабар етказаркан. Курамбой оға ўтган йили ра-

фикаси Хонимжон билан бирга келганди. У киши вақти-вақти билан хонқалик яқинларига аталган қўтловларини газетамизга йўллаб турарди. Бугун эса аёлини туғилган кунини билан қўтлагани ва янги йил билан табриклагани келибди.

- Курамбой ака, янги йил остонасида турибмиз, айтинг-чи, ўтаётган йилларингизда розимизми?

- Оллоҳга шукр! Ўтган барча йилларимдан розиман. Улар менга, оиламга ҳаммиша бахт ва қувонч олиб келган. Йиллар давомида олти нафар фарзандларим дунёга келди. Мана ҳозир ўн бир нафар набиралик ҳам бўлди.

- Турмуш қурганингизга қанча бўлди?

- Насиб бўлса, Хонимжон билан турмуш қурганимизга шу йил 31 йил бўлади. Тақдиримиз бирлашгандан сўнг бир-биримизни тушуниб, ўзаро иззат-ҳурмат билан яшаганмиз. Уч келинимиз ва бир қувёнимиз бор. Ўйламанки, улар ҳам биздек ибратли умр кечиришиб, эл орасида ўз ўринларини топадилар.

- Янги йил тилақларингиз қандай?

- Албатта элимизда тинчлик, эзгулик ҳукм сурсин, хонадонларимиз осойишта ва фарзандларимиз соғ бўлисин! Газетангизнинг мухлисларини, шулар қаторида

БОЛАДАН КЕЧИШ ГУНОХ

хам, эри ҳам ёмон одамлар эмасди. Лекин бола туғилавермагач, қайнонаси маҳалладаги турли гап-сўзлардан бездими, ишқилиб ўғлига: "Ё туғсин, ё ажрашин хотининг", - деб шарт қўйибди.

Қайинсинглимининг бормаган дўхтири қолмади. Нафи бўлмади. Кейин қайнонаси бизни чақиртирди.

Қайинсинглим ҳеч қандай даъво, жанжалсиз уйига кетиши кераклигини, ўғлини бошқага уйлантириб набира қўриш ниятида эканлигини айтди. Тўғри, қувёнимиз у кишининг ёлғиз ўғли. Насли давом этишини истайди.

- Шундай қилиб талабларига қўндинларми?

- Ҳа, қўнмай иложимиз қанча? Ваҳоланки Зумрад эри билан бир марта ҳам сан-манга боришмаган. Тинч яшабди, битта тирноқни деб... Зумраднинг молу мулкани машинага ортиб уйга олиб келдик.

"Хонқа Дон маҳсулотлари ОАЖ комбинати" ишчи-хизматчиларини, тахририятнинг ижодкор жамоасини ва барча қариндош-уруғларимизни кириб келаётган янги, 2007 йил билан табриклайман.

Келгуси йил ҳам дилимиздаги барча орзуларимиз ушалсин!

Курамбой ака оқшомда Ургенча учадиган самолётга улғурши кераклигини айтиб биз билан хайрлашди. Уни қузатарканмиз, шундай ажойиб, садокатли мухлисларимиз борлигидан кўнглимиз қувончга тўлди.

ГУЛБАШАКАР

ЭНДИ АДАШМАНГ...

ТУГИЛМАГАН ЧАҚАЛОҚ КУНДАЛИГИДАН

5 октябр

Бугундан менинг хаётим бошланди. Ота-онам бундан ҳали беҳабар, аммо барибир мен борман. Ва мен дунёга кизалоқ бўлиб келаман. Менинг кўзларим тим қора, сочларим эса жингалак бўлади. Ва мен албатта, гуллар шайдоси бўламан!

19 октябр

Баъзиларнинг айтишича, мен ҳали одам эмас эканман. Лекин нонинг увоғи ҳам нон-ку! Демак, мен ҳам ойжоним каби инсонман! Мен яхши инсон бўламан, ишонинг.

23 октябр

Оғизчам энди-энди очила бошлади. Ҳали лабларим шаклангани йўқ, аммо, барибир тасаввур қилинг-а, 1 йил ўтар-ўтмас мен қикир-қикир қулишни, жарангдор овозда сўзлашни ўрганаман! Илк сўзим албатта ОЙИЖОН бўлади.

25 октябр

Бугундан бошлаб юрагим ўз-ўзидан мустақил депсина бошлади. Энди у бутун умрим давомида тўхтамасдан бир маромда депсинади. Кўп йиллар ўтиб, қачондир у толиқиб тўхтади. Ва мен ўламан... Лекин бунга ҳали аанча бор!

12 ноябр

Кўлчаларимда мўъжазгина бармоқчалар шакллана бошлади. Улар шундақям кичкинаки! Ойжонимнинг сочларини сийпалай олар эканман-да! Ажойиб!

18 ноябр

Хар куни мен оз-оздан улғаяпман. Инсон қиёфасига деярли кириб бўлдим. Бугун эса доктор ойжонимга унинг юраги остида мўъжазгина юракча депсинаётганини айтди. О, ойжоним бу хушхабардан қанчалар бахтиёр бўлсалар керак-а! Сиз чиндан ҳам бахтлисиз-а, ойжон?!

25 ноябр

Ойжоним билан адажоним менга исм излашгаётгандир... Лекин улар менинг кизалоқлигимни ҳатто билишмайди ҳам... Мен эса исмиمنى Севинч деб аташларини истайман. Ахир барчага се-винч улашиш учун яралганман!

10 декабр

Сочларим усапти. Улар шунақям майин, шунақям ялтироқки! Қизик, ойжонимнинг сочлари қай тусда экан-а?

ти: тук-тук, тук-тук, тук-тук. Сизнинг Севинчингиз соғлом туғилади, ойжон!

28 декабр

Бугун ойжоним мени ўлдирди...

...Мен ушбу парчани атайлаб қашқадарёлик Салимаҳон учун таржима қилдим. Унинг дил изҳорини ўқиб, чуқур ўйга ботдим. Тўғри, Салимаҳон жиддий хато қилиб, жабр тортапти. Лекин у мард қиз экан! Унинг кўйига тушган ҳамма кизлар ҳам хатосини тан олиб, жазога тайёр туришмайди-ку! Афсус, замона-

лок каби қурбон қилишса-чи? Бола онанинг қорнида пайдо бўлган онданок у қанчалик миттвой ва шаклсиз бўлмасин, барибир тўлақонли ИН-СОН ҳисобланади ва унинг ҳам яшашга ҳаққи бор. Япон олимларининг тадқиқоти шуни кўрсатдики, 14 кунлик эмбрион нина тўғноғичнинг бошчасидан унча катта бўлмаса-да, унинг асаб ти-

“Мен хато қилдим” - 49-сон

ЭСАЛТАМА: Кўзларим ярқ этиб очилди-ю, энг катта, кечирилмас хатога бўла кўйганимни, эл ичида ота-онамни шарманда қилганимни, бахтимга ўзим зомин бўлганимни тушунадим... Сунгаларим, ёмонлардан нари юринг, уларнинг ширин сўзларига учманг. Дунёда энг яхши сирдош она эканини унутманг.

Муаллиф: С. САМАДОВА



13 декабр

Кўзларимга нур ато этилди! Хозир деярли кўра оламан, аммо атрофим қоронғу-да, ойжоним яшаётган дунё эса нурафшон ва ранг-баранг гулларга лиммо-лимлигини биламан. Лекин ҳаммасидан ҳам кўпроқ мен Ойжонимнинг рухсорини кўришни, унинг дийдорига тўйишни истайман. Ойжон, сиз ҳам мени сабрсизлик билан кутаяпсиз-ку, тўғрими?

24 декабр

Қизик, ойжоним юрагимнинг шивирлашини ҳис қилаётганими-кан? Баъзи болалар дунёга сал касалроқ бўлиб келишади, лекин менинг юракчам соғлом ва бақувват. У бир маромда ураяп-

мизда алданганлар, алданаётганлар ва алданадиганлар жуда кўп. Баъзиларга минг уқтирма, боши деворга “так” этиб тегмагунча кўзи очилмайди. Оила муқаддаслигини, уни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигини, шунинг учун уйланган, оилани эркаклардан юз қақирим нарида юриш кераклигини кизларимиз наҳотки билмаса? Ширин ёлғонга дуч келишганда бунга амал қилиш хаёлларига келмайди. Агар оқибати Салимаҳонникидек ақл кириш билан тугаса майли-я, лекин ўз ёлғонини яшириш учун беғуноҳ гўдагини Севинч бўлишни орзу қилган киза-

зимлари сезадиган даражага чаривожланган бўлар экан. Яъни у оғриқ сезади! 20 кунлик эмбрионнинг мўъжаз юракча-си мустақил урадиган, 40 кунлик гўдак эса она қорнида деярли шаклланиб бўлиб, катталиги ўртача олмадек бўлса-да, инсон қиёфасига кириб бўлган бўлар экан. Таҳминан шу болақайнинг тенгдошини япон олимлари компьютер ёрдамида аборт пайтида тасвирга туширишган ва бу тасвир ойнаи жаҳонда намойиш этилган эди. Унига пахта ўралган узун темир қурол ёрдамида мутахассис болани нимталаб олишга ҳаракат қилапти, болақай бўлса жонини сақлаш учун талвасаланиб, ўзини зарбадан олиб қочишга интиляпти... Ҳаёт учун кураш бир неча дақиқа давом этди-ю, ахири мутахассис болақайнинг бошига зарба беришга муваффақ бўлди. Гўдак бир тирчиллади-ю, тинчиди.

Энди тасаввур қилинг, кўчада кетаяпсиз-у, капкатта, эсли-хушли одам кичкина гўдакка темир қурол билан ҳамла қилапти. Наҳотки бефарқ ўтиб кетсангиз? Йўқ, Чунки кўнглингизда меҳр-муҳаббат, адолат деган туйғулар бор. У гўдак сизга етти ёт бегона бўлса-да, уни ҳимоя қиласиз. Она қорнида эндигина бунёд бўлган, қандай шароитда ва нима сабабдан у бунёд бўлмасин, митти вужуднинг ҳам ЯШАШ ҲУҚУҚИ бор. Салимаҳон қийинчиликлардан қўрқмасдан кизалоқнинг шу ҳуқуқини ҳурмат қилиб, нимаки бўлмасин уни дунёга келтиргани учун, гамхўрлик қилаётгани учун раҳмат. Тўғри, у хато қилди. Лекин Алишербек ундан-да улкан хатога йўл қўйди. Ким нима экаси шуни ўради. Алишербек ва унга ўхшаганлар жазо-дан ҳозир қочсалар-да, келажакда албатта унга рўбарў бўладилар. Чунки кўдак ҳаммани кўриб тургучи Худованди Карим бор. У бандаларини қилмишига яраша тақдирлайди. Фақат Салимаҳон, сиздан илтимос, келажакда бу каби жиддий гуноҳларга бошқа йўл қўйманг. Тўғри қалб соҳибаси экансиз, тўғри йўл сизни албатта Бахт қасрига еллади. Сиз шу йўлдан бошқа адашмасангиз бўлгани. Бахтингизга меҳрибон ота-онангиз соғ-омон бўлишин, сизнинг ва кизалоқингиз роҳатини кўриш уларга насиб этсин. Сиз мард ва жасур қиз экансиз, бундан кейин ҳам шундайлигингизча қолиб, гап-сўзлару қийинчиликлардан қўрқмай кизалоқингизни тарбияланг. Ва албатта кизангиз сиз учун ҳақиқий севинч манбаи бўлиб қолишини тилайман. Дил изҳорингиз учун эса раҳмат. Зора, кимларгадир у ўрнат бўлса...

НАРГИЗАБОНУ,
Тошкент вилояти,
Паркент тумани.

ЭҲТИРОСНИ ТИЗГИНЛА...

“Мени кечир Дилобар”, - 32-сон

ЭСАЛТАМА: У қизнинг бахти очилганига мен сабабчиман. Чунки Дилобар ўқувчилик йилларимда менинг зўрлашим туфайли бадном бўлган эди. Беғуноҳ қизнинг кўз ёшларига қолдимми, менинг ҳам ҳаётим издан чиқиб кетди.

Муаллиф: М. ШУКУРОВА

Ҳа, эҳтиросни тизгинла-масанг, у сени тизгинлайди, деган гап нечоғли ҳақлигига яна бир бор амин бўлдим мақолани ўқигач.

Бухоролик киши ҳам шу аҳволга тушибди. Сўнги пушаймон эса кишига душман.

Мактабдош дугонанинг синглиси Ҳафиза талаба-лик бахтига мушарраф бўлди. Олийгоҳни тугатгач ишга кирди. Лекин негадир ҳеч қайси йигит билан гап-лашмас, келган совчиларга ҳам рад жавобини берарди. Беш йил ўтди. Қизгинанинг ҳаммаша маҳзун юриши ота-онада шубҳа уйғотади. Охири опаси Наргиза уни қийин-қистовга олди. Маълум бўлишича, қиз мактабда ўқиб юрган чоғларида холасининг ўғли билан гаплашиб юр-кан. Уч йил давом этган иш

қиллоққа турмуши бузилган йигитга узатишди. Кувё ҳарбий экан, пойтахтга ишга жойла-шибди. Ҳафизанинг бахтига зомин бўлган И.нинг тақдирини не кечди, дерсиз? Олийгоҳни тугатган бўлса ҳам соҳасида иш-ламай, дўкон очиб босар-тусарами билмай қолганди. “Ҳафизани болаликда ёқтиргандир-ман, аммо йигитчиликда ним-лар бўлмайди. Унинг бозори ўтмай энди менга осилаяптими?” - деган гап ҳам тарқатди. Бу гаплар қанчалик рост-ёлғонлигини ҳеч ким билмайди, аммо яқин-да ўша йигитнинг автохалокатга учраб, оёғидан ажралиб, ноғи-ронлик нафасига чиққанлиги-ни эшитдим.

Эҳтимол, айб иш қилсак, уни ҳеч ким қўрмади-ку, дермиз. Бироқ, Аллоҳ ҳамма нарсани билгучидир, тақдирнинг қўли-дан ҳеч ким қочиб қутулолмас.

Фарида ТОХИРОВА

Қизим, сизга айтар гапим шуки, уйга қамалиб ўтирманг. Бирон ҳунарни эгалланг.

Қизинг онаси! Йиғлаб-сиқтаб андиша қилиб ўтирманг. Боланинг ота-онаси ўша вақтда кечирим сўраб: “Боламини мели-сага берманглар. Мактабни тугатгандан кейин ўғлимга қизин-гизни олиб бераман”, деб ваъ-да берганларини уларга эсла-тиш вақти келди.

Шундай бир воқеани биламан.

“Қизимни кимлар сўрамади”, - 36-сон

ЭСАЛТАМА: Қизимнинг кўзи кўр бўлмагана бахтими топиб кетган бўларди. Мактабда бир йигитнинг отган тоши уни нуқсонли қилди қўйди. Уша пайт йигитнинг ота-онаси қизимни келиш қилишга ваъда берганди. Энаи эса топиб туришибди.

Муаллиф: МАТЛУБА

ҲАЁТ УЧУН КУРАШНИНГ

Бир куни синфдош бола ёни-даги қизга ручкасини иргитади. Ручка қизнинг кўзига тегиб, бир кўзини кўр қилиб қўяди. Қизнинг ота-онаси: “Қизимни ўғлингиз ноғирон қилдимми? Энди шу кўз билан уни ҳеч ким сўрамайди. Соғ қизганимни но-ғирон қилиб қўйди. Ўғлингиз мактабни битиргач, қизимга уй-лантисангизлар”, деб қаттиқ тур-дилар. Йигитнинг ота-онаси ҳам рози бўлишди. Қиз ана шу но-ғирон аҳволида мактабни тугат-

ди. Олийгоҳга кирди, ўқитув-чи бўлди. Иккала томон кели-лишгандек йигитни ўша қизга уйлантирдилар. Хозир 4 нафар фарзандлари бор, жуда бахтли яшайдилар. Қизнинг турмуш ўртоғи тадбир-кор. Баъзан ёшлигидаги ха-тосини эслаб, хотинидан кечирим ҳам сўраб туради. Қу-далар ҳам бир-бирларининг хурматини жойига қўядилар.

Раъноҳон ЖУМАНИЕЗОВА

ТАБРИКЛАЙМИЗ




Farzandlarinigz Komiljon, Otabek. Toshkent shaxri.

Тоҳиржон ЙЎЛДОШЕВ!
Туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, келгуси ишларингизда омад тилаймиз.

Хурматли Салим ЖАББОРОВИЧ!
60 ёшингиз билан кутлаймиз. Олий таълим соҳасидаги педагогик ва илмий ишларингизга ривож, узоқ умр тилаймиз.
Дўстингиз Файзулло ва шогираингиз Фарҳод Солиқов, Самарқанд шаҳри.



Farhod Soliqov, Samarqand shaxri.




Хурматли ҚУТТИВОЙ мога!
Туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз.
Жияларингиз номидан Назокаат

Меҳрибон бувижоним!
74 ёшингиз муборак бўлсин. Бахтишга доим соғ-саломат бўлиб, биз набираларингиз бахтини кўришингиз насиб этсин.
Набирангиз



ҒАНИҶОН мога!
57 ёшга тўлишингиз ва янги йилингиз билан табриклаймиз! Умрингиз узоқ бўлсин! Фарзандларингиз бахтига доим соғ бўлинг! Жиянингиз Толибжон, Сирдарё вилояти.

Азиз онажоним МУСҚОЛОЙ!
80 ёшга тўлишингиз билан табриклайман. Бахтишга соғ-саломат бўлиб, юз ёш билан юзлашиб, дуоғўйимиз бўлиб юринг.
Ўғлингиз Ғанижон, Сирдарё тумани.



Ўлам ҲАСАНБой!
20 ёшга тўлишинг билан табриклаймиз. Келгусида яхши лавозимларда ишлаб, кўнглимизни нурга тўладингиз!
Яқинларингиз, Сирдарё вилояти.

Азиз онажоним Хурсанбой ХОТАМОВА!
Туғилган кунингиз билан табриклайман. Небараларингиз лаврасида кексалик гаштини суриш насиб этсин.
Фарзандларингиз, Жиззах вилояти.



Хурматли ўғлимиз ЖАМОЛИДИН!
Таваллауд айёмингиз муборак! Кўшанингиз билан кўша қариб, бахтли бўлиб юрингиз. Умрингиз узун ва бахтингни бут бўлсин!
Ота-онанг ва рафиқанг Шоҳида, Toshkent shaxri.

Хурматли онажонимиз САНОБАР опа!
50 ёшингиз муборак бўлсин. Аллоҳдан сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.
Оила аъзоларингиз, Toshkent viloyati, Buxa tumani.

Азизларим ФЕРУЗАБОНУ ва АСАТУЛЛО!
Кириб келаётган янги йил байрамингиз ва Қурбон ҳаётингизиз кутлуғ бўлсин! Ҳамиша шундай бахтли ва шод бўлиб юринглар!
Опақонларингиз.

Оқкўнгул ва камтарин инсон, оид раҳбар Тўлаган ота ОРТИҚОВ!
Сизни табарруқ 60 ёшингиз билан чин диладан табриклаймиз. Ёшингизга ёш кўшилсин, ҳамиша соғ бўлинг!
Қудратулла Хиайров, Қашқадарё вилояти, Касби тумани.

Қадрли Машина РИХСИЕВА!
Туғилган кунингиз муборак. Умрингиз чинор каби узоқ, ҳаётингизиз зилол сувек тиниқ бўлсин.
Хурмат билан Исроил, Toshkent shaxri.

Азизим Ҳалима ҒАНИЕВА!
47 ёшингиз кутлуғ бўлсин. Оллоҳдан сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, тинчлик хотиржамлик тилаймиз.
Турмуш ўртоғингиз Қурбонбой, Қашқадарё вилояти.



АЖОЙИБ СИХАТГОХ

Миннатдорчилик

Бир танишимдан Самарқанд вилоятининг Нурбулоқ деган жойда Абу Али ибн Сино номи сиҳатгоҳ борлигини эшитиб қолдик. Бу ерда оёқ-қўл, бел, бош огригидан азият чеккан беморлар даволанишар экан. Биз ҳам даволаниш учун бу сиҳатгоҳга келдик. Туман марказидан анча нарида бўлса-да, озода, замонавий ускуналар билан жиҳозланган бу сиҳатгоҳнинг суви жуда шифобахш экан. Беморлар термал, (таркиби табиий родонли), хлорид сульфат, натрий (кам ишқорли) ва азотли газли сув воситасида бепуштлиқ, асаб, юрак, экзема, аллергия ва нейродермит касалликларидан ҳам фориғ бўлишди.
Шунингдек, бу сув ичак, ошқозон хасталикларига ҳам даво экан. Сиҳатгоҳдаги барча муолажалар замонавий ускуналарда амалга оширилиши билан бизга манзур бўлди. Бу сиҳатгоҳнинг суви шифобахшлиги жиҳатидан Цхалтубо, Тожикистондаги "Ҳожи Обигарм", Мацеста сувлари билан тенг экан.
Бу ерда парҳезли овқатланиш ҳам йўлга қўйилганлиги биз кексаларга жуда маъқул келди. Балчиқ билан даволаш, физиотерапия, нина санчи муолажалари ҳам яхши йўлга қўйилибди. Б.Холмуродов, Р.Бердиева, М.Пўлатова, Н.Норбоева, Т.Низомов, Ш. Холмуродов каби шифокорлар муолажаларни хушмуомилалик билан бажаришади.
Айниқса, бош шифокор Адолат Мусинованинг ҳар бир бемор билан эринмасдан суҳбатлашишларини айтмайликми?
Бизни чин кўнглидан даволаб, соғлигимиз тикланишига ёрдам берган сиҳатгоҳ шифокорларига чин дилдан ўз миннатдорчилигимизни билдираемиз.
Турсуной ИСЛОМБЕКОВА,
Ғалина ОСТАЕВА,
Toshkent shaxri.

ТОПИЛГАН ЗИРАК

Кўшнимиз Ҳанифа хола жуда ажойиб аёл. У хар гал уйимизга келганида турли воқеаларни гапириб беради. Жуда ҳазилкаш ва қувнок бу аёлнинг ёшлиги жуда қийинчиликда ўтган экан. Маҳалладагиларнинг сўт-қатикларини шарҳчага олиб бориб сотиб, ортган пулга нон, қанд олиб келаркан. Бир куни маҳаллада тўй бўлибди. Онаси Зарофат хола эса юпунгина кийиниб дугоналари билан тўйга кетмоқчи бўлиб турган кизига онасидан қолган тилла зирагини "Кўнгли ўксимасин" деб тақиб қўйибди. У жуда чиройли ва қимматбаҳо бўлиб ял-ял ёниб қизининг чиройига-чирой қўшиб юборибди. Тўйдан келиб **Ажойиб-гаройиб** ухлаб қолган қиз, эрталаб зираги билан бозорга кетиб қолибди. Буни у ярим йўлга етганда билиб қолиб, зирагини ечиб рўмолчага ўрабди-да, чўнтагига солиб қўйибди. Шу куни савдоси яхши бўлган Ҳанифа хола уйига хурсанд бўлиб қайтибди. Бироқ! Савдо қилаётганида қайтим пул олиш учун чўнтагига қўлни тикқанида тушиб қолган зирагини сезмабди ҳам.
Уйига келганда онаси дарҳол унинг қулоғига қарабди. Шаҳарда ҳамма нарса бўлиши мумкин-да. Ҳанифа эса зиракни олиш учун қўлни чўнтагига суқибди-ю, ранги қув оқариб кетибди. Иккала чўнтагани қарабди. Зираклар йўқ, улар йўқолибди. Шу куни йўғлаб, онасининг опатишларига ҳам қарамасдан касал бўлиб қолибди. Онаси зиракларга ачинса-да кизига билдирмабди. Ахир волидаси уни кечалари чеварлик қилиб топган пулга олган экан-да.
Орадан бир ҳафта ўтган Ҳанифа хола яна бозорга тушибди. Ҳана куни савдо қилган жойига бориб сугларини сотибди. Бидонларини кўтариб кетаётиб, тўқилган сугта сирганиб йўқилган кетибди. У узала тушиб ётаркан, қўлига нимадир ботибди. Қарасал.. Ҳанифа эски рўмолчаси эмиш. Унга тугилган зираклар эса шундоқлигича турганмиш. Рўмолча эски, ранги ўчгани учун одамлар унга эътибор беришмаган ва шу боис у бир ҳафта ўша жойида ётган экан. Шу куни Ҳанифа хола уйига учиб келибди. Ҳалол пулга олинган буюм эгасига буюрар экан.
Шахноза МИРСОДИКОВА,
300-лицей мактаб ўқувчиси.

ТАТУдан 2003 йилда **ЕРМАН ТАШМАНОВ**га берилган **03 ТРО38** рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР** қилинади.

Насибaxon ва Наимахон Солиқужаеваларга акалари **ИЛҲОМ ҲОЖИ** ота вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор этамиз.
Бир гуруҳ дўсту кадрдонлари.

КҮЙ (21.03 — 20.04). - Байрам арафасида дўсту дугоналар даврасидаги кўпдан кўп дилкаш базмлар ҳафтага ўзгача руҳ ва кайфият бағишлайди.

Аёллар барчаси деярли ярим яланғочсифат кўйлақларда, ёшу қарисининг калта қирқилган ёки нозик турмакланган сочлари ялтироқ зарлар билан безалган, бошларини баланд кўтариб, нафис шарфларини осилтириб олишганди. Ёшу-қари, эрка-гу аёл бир-бирлари билан кучоқлашиб, ўпишиб қуришишар, бир-бирларининг белларидан ушлашганча сўхбатлашиб туришар ёки етаклашиб юришарди. Санъаткорлар ҳам фақат европача куй-қўшиқларни ижро этишарди. Қайнота ва қайнона бошчилигида келин-куёвдан тортиб барча, болаларгача валс тушишар ёки сакраб-сакраб европача муқомда ўйнаб қолишарди. Зулайхонинг амма-холаларининг дарди ичида кетадиганга ўхшарди. Улар "Бир маза қилиб ўйнаймиз тўйингда сан қизни", деб унга роса ваъда беришганди. Зулайхонинг ўзи-чи? У қайнонаси танлаган келин кўйлақда очик елкаларини қандай яширишни ўйлаб уятдан бошини кўтаролмас, уни кучиб-ўпиб кетаётган эркагу аёл қариндошларининг юзига бирор марта қарашга журъат қилолмасди.

Тўй куниеқ келин-куёвни ҳашаматли хоналарида ёлғиз қолдиришди. "Бизга ҳеч кимнинг кераги йўқ, бизнинг ишимизга аралашманглар!" - дея буйруқ берди Шохрух. Ҳа, эса мезъеридан кўп ичгани учун, неча кундан бери бўлаётган тўй ҳаракатлари тўфайли чарчаганлиги боис қотиб ухлаб қолди ва пешингача бошини бир кўтариб қўймади.

Эртаси кун эса оиланинг энг қадрдон қишиларига алоҳида зиёфат берилди. Қайнонасининг талаби билан биллақари ва елкалари очик Голливуд актрисалариникидек заррин кўйлак кийиб, уларникидан ҳам ўтказиб пардоз қилган Зулайхо шу қадар очилиб кетган эдики, давранинг эркагу аёли ундан кўз узолмасдилар. Баъзилари ўзларини тутолмай "бундай паривашини қандай, қаердан топдигингиз?" - дея ҳайратланганларди. Унга сари қайнонанинг севинчи ичига сизгмас, уни олиб келинг, буни олиб келинг, дея баҳонада келинини меҳмонларига кўз-кўзлашга ошиқарди. Турда ўтирган қайнота эса жилмайганча фарлашиб «кўзларинг тегади, қараманглар» дея энтикиб қўярди. Меҳмонларни кузатишиб, фақат оила аъзолари қолишгач, яхшигина кайфи бор Элёр Қудратович кенг диванда ястанган қўйи ўтирар экан, ўғли билан келинини чақирди.
- Қани бир ёнма-ён туринглар-чи, ох

оҳ, қандай ажойиб, қандай чиройлик, - у завки тошиб ўрнидан турди ва кучоғини очди. - Қани келинлар, бағримга босай.

- У аввал ўғлини қаттиқ кучди, пешонасидан ўпди. Кейин келини Зулайхонинг бағрига тортди. "асалим, кўз тегмасин..." Зулайхо уятдан қулоқлари битиб қолгандай ҳеч нарсани эшитмас, қайнотасининг юзига қарамаслик учун кўзларини чирт юмиб олганди. У титраётган яланғоч елкаларида бирдан эркак кишининг қайноқ қафтларини ҳис қилди. Бакуват панжалар қизнинг нозик баданида меҳр билан сийпалар экан, Зулайхонинг юраги умрида ҳис қилмаган аллақандай кучли ҳаяжондан ҳаққириб кетди. Нафаси бўғизига тикилиб қайнотасининг бағрига беҳол бош қўйганча бир муддат ўзини унутди. Яланғоч елкалари жундор биллақларнинг ҳароратидан

Турмуш сабоқлари

елкалари биринчи бўлиб эркак баданининг ҳарорати сифатида қайнотанинг кўллари хис қилиб турибди. Қайнота бечора бундан мутлақо хабарсиз, чин оталик меҳри билан ҳамон келинининг биллақларини, елкаларини силар, нозик белидан қаттиқ кучиб ўтирарди. Шунда беҳос қайнотанинг бармоқлари Зулайхонинг кўкси узра сирғалиб кетди. Қизнинг юраги гупуриб, бўғизига тикилиб қолгандай бўлди. У энтикканча кескин ҳаракат билан Элёр Қудратовичнинг бакуват биллақларидан ушлаб олди, юзини аста теккизиб, кўзларини юмди. Орадан қанча вақт ўтганини билмайди, ўзига келди-ю, бу қилиги шу қадар шармандалик бўлиб туюлдики, сапчиб турди-ю, хонадан отилиб чиқиб кетди. Атрофдагилар сўхбатта андармон эди. Бу ҳолатни ҳайрият ҳеч ким сезмай қолди...

Тўй бўлганига ҳам уч ойча бўлиб қолди. Зулайхо келин бўлиб тушган оиласида эмин-эркин, яйраб-яшнаб, ўзи хоҳлагандай яшаётган эди. Уни ҳеч ким тергамайди. Даки бермайди. Аксинча, ҳамма уни яхши кўради. Қайнонаси қаёққа борса, тўйми, бошқа тантаналарми, ҳатто театр, концертларгача бирга олиб юриди. Фақат ўзи истагандай кийинтириб, сочларининг, юзларининг пардозларигача у истагандай усулда бўлишини назорат қилади. Унинг айтишича, Зулайхони етаклаб юрганда одамларнинг озги очилиб қолишини кўриш ўта хузур бағишларкан. Шохрух эса хотинини еру-қўкка ишонмасди. Уни суйиб-эркалаб чарчасма, иложи борица келинчакнинг ёнида бўлишга ҳаракат қиларди. Қайнотаси Элёр Қудратовичнинг меҳри тамоман бўлакча эрта. Ишдан кеч келадими, эди келадими фарқи йўқ, Зулайхо билан Шохрухни бир кўрмаса бўлмасди. Аммо Зулайхо борган сари бу оилادا яшашга қийналар, ўзини қандай туттишни билмас, ҳар қанақасига иккиюзламачилик қилаётгандай бўлаверарди. Ҳа, унинг номи бошқачадир. Нима бўлганда ҳам Зулайхо кўнглидаги кечириб бўлмас шайтоний туйғуларга бас келаолмаётганлиги билан, унинг қайнонасининг кўллари эди. Шу кўллар унинг аёллик туйғуларини биринчи бўлиб жунбушга келтирган. Зулайхо аввалига бундай туйғунинг нималигини тушулмади. Тушунганда эса икки дунёсига ўт тушгандай куйиб кетди.


Бирам хузурланар, сархушланар, бу ҳол узокроқ давом этишини кўнгли тушунксиз истак билан талаб қиларди. У эса бу талабга бутунлай муте бўлиб қолганди. Қайнотанинг эса оталик меҳри тошгандан-тошиб келинини, "фариштам, гўзалим", - дея суйиб юзларидан ўпаркан, кўзларидан ёш қуйиларди.

Ўғлининг бахти бор экан, онаси, қара келинимизни, фаришта. Фариштам, бизнинг фариштамиз, - уларни кучоғидан бўшатиб жойига ўтирди ва кўллари кенг ёзди. - Қани келинлар, яна бир бағримга босай.

Келин-куёв оталарининг икки ёнига ўтиришди. Элёр Қудратович орзулари ҳақида тўлиб-тошиб сўзларкан, уларни қучганча елкаларини меҳр билан силлаб ўтирарди. Зулайхо сесканиш ва хузурланиш туйғулари орасида ўзини қандай туттишни билолмай қийналарди. Ахир унинг баданига ҳеч қачон эркак кишининг қўли тегмаган. Дадаси, акалари ҳам меҳр-муҳаббатларини бу тарзда билдирмасдилар. Шохрух билан тўйгача бўлган учрашуварларида ҳам унинг ноҳўя ҳаракат қилишига, ҳатто бироз яқинлашишига ҳам қаршилиқ қурсатган. Йигит эътироз билдирмаган, балки унга янаям ёқаётганини таъкидлаган эди. Тўй ўтганига қарамай, халигача улар яқинлашишмагандики, таассуф, қизнинг нозик, очик

Уни васвасага солаётган қайнотасининг кўллари эди. Шу кўллар унинг аёллик туйғуларини биринчи бўлиб жунбушга келтирган. Зулайхо аввалига бундай туйғунинг нималигини тушулмади. Тушунганда эса икки дунёсига ўт тушгандай куйиб кетди. Эрининг эркалашларидан ўша туйғунини хис қилмаётганидан ҳайрон эди. Шохрухнинг қизларники каби нозик бармоқларига қараб, "нега унинг кўллари ҳам отасиники каби жундор, бакуват эмас", дея ич-ичидан қаттиқ ранжигганини англаб қолди-ю, Шохрух сезиб қолгандай қўрқиб кетди. Уятдан неча вақтгача эридан ўзини олиб қониб юрди. Энг қийини қайнотаси билан тўқнаш келиш эди. Қайнота шўрлик уни ўз фарзандидай суйиб эркаласа-ю, келин унга фарзанд сифатида эмас, бошқача... талпинса. Гарчи ўзи иста-маса-да Зулайхо Элёр Қудратовични бошқача туйғу истаб қучарди. Тўғирроғи, вужудида кечарди бу истак. Вужуду ўзи кўллар уйғотган галати хисларни яна, яна, шу қадар кучли кўмсардики, Зулайхо гоҳ қайнотасининг бағрига ўзини қандай отганини билмай қоларди. Аммо шу захоти ҳуркак охудай дуч келган томонга нимандидир баҳона қилиб югуртилаб кетарди.

(Давоми 13-бетда)



Йўналиш таксиларини кутиб йўлда тургандим. Бир пайт ёнимга энгил машина келиб тўхтади. Хайдовчи ўнг тарафдаги эшикни энгашиб очиб:

- Ха, Махлиё, йўл бўлсин? - деди.

Карасам, маҳалладошим, акамнинг синфдоши Эрмат ака. - Шахарга, - дедим. - Ўтиринг! - деди.

Акамнинг синфдоши-ку, деб ётсирамай машинага ўтирдим. - Йўл бўлсин? - деди у.

- Э сўраманг, - дедим мен. - Қачондан бери иш қидириб юрибман-да...

- Қўлингиздан нима ишлар келди?

Ихтисосимни, компьютерни билишимни айтдим. Эрмат ака ёрдам беражагини, бир ўқув юртига жойлаштириб кўйишни билдирди. Машинасини ўзи айтган даргоҳ олдида тўхтади. Мени эргаштириб, тегишли кишилар билан учрашди. Улар билан гаплашиб, қандайдир келишувларга эришди. Мен буни уларнинг қўлларини кўксига қўйиб, бошларини маъқуллаш маъносидида "хўп, хўп" дегандай қимирлатганларидан англадим. Домлардан бири "устоз, устоз" дея машинасигача кузатиб қўйди.

Эрмат ака у билан хайрлашар экан, соат икки яримларда яна келишини айтди. Менга ҳам худди шу вақтда мана шу ерда кутишимни тайинлади.

Шу дақиқаларда ишли бўлгандай юрагим танамга сиғмас, хаяжондан тез-тез урар, маҳалладошимнинг қўлидан иш келиши, обрў-мартабаси баландлигидан ўзимча гурурландим.

Айтилган вақтни орзиқиб, ҳаяжон билан кутардим. Наҳотки шу бугуноқ ишга қабул қилинсам! Қувончимнинг чеки йўқ эди. Эрмат акага қандай миннатдорчилик билдирсам экан?

Вақт бўлди. Тайинланган жойдаман. Кутаялман. Бир пайт Эрмат акага "устоз, устоз" деган доғла келди.

- Устоз сиз билан мени бир жойда кутаяптилар. Кетдик, -

СИНГЛИНГИЗ,

деди у.

- Шу ерга келаман, дегандилар-ку? - Устознинг гапини икки қилиш одобсизлик. Борамизми?

- Ха, майли, - дедим. Йўл-йўлакай домла Эрмат акага хурмати баландлигини, ўзига яхшилиги кўп сингналигини гапириб борди.

Кўп қаватли уйлاردан бирининг охириги кириши йўлагидан учинчи қаватга кўтарилдик. Домла чап томондаги хона кўнғироти тугмасини босди. Соқларининг пардозни ўзига ярашмаган, қоқ-кўзларига бўёқ чапланган, котмадан келган бир хотин эшикни очди ва ичкарига таклиф этди.

Эрмат ака қип-қизил маст, оғзидан боди кириб шоди чиқарди.

- К-к-ел-динг-ми? Мен бўлмасам очингдан ўлардинг, тўғрими?!

- Устоз... устоз... - дер-



мат ака менинг ҳам хушимни йўқотишимни, карахт ҳолатга тушишимни кутаётган экан. Маст бўлсамян нияти эсидан чиқмаган экан.

- Кел бу ёққа. Ёнимга ўтир! - деди.

- Мана, ёнингизданман-ку, ўтирибман, - дедим.

- Йўқ, бу ёққа, ёнимга кел! - деди.

Шу пайт патнисда ул-бул кўтариб келган уй бекаси гапга аралашди.

- Хой, сингилжон! Айтганини қилаверинг, бизлар ҳам бошимиздан кўп нарсаларни ўтказганмиз.

Унга ҳам, Эрмат акага ҳам қалбимда нафратим қанчалик тошмасин ўзимни қўлга олиб чидашим, қандай бўлмасин, бу ердан қочиб кетишим керак!

зоқ яширинганини англадим. Унинг нечанчи бор бундай ролга кириши бўлса? Майли, ишга олишмасин. Майли, ихтисосим бўйича ишламай. Тикувчиликми, пазандликми, бирор касб-хунарнинг бошини тутарман.

Шу тобда бошқа бир дугонанинг гапи эсимга тушди. У ҳам тўғри гапни айтган экан. Қайси бир идорага иш сўраб борса, "воситачи" бу ишни фақат ҳамтўшак бўлиш орқали бажаришини айтган экан. Ҳозир дугонам мустақил тадбиркорлик билан шуғулланади. Ишлари яхши. Ишга киролмаганига пушаймон эмас. Ўша маълумни нафрат билан эслайди.

Бу воқеаларни дoston қилиш бу кизга нега керак бўлди, дед-ётгандирсиз. Ўзим тенги қизларга бошимдан ўтказган ушбу воқеа бир сабоқ бўлсин, учарлар, мальўнлар, фирибгарлар, ёлгончилар тузоғига илинмасинлар, эҳтиёт бўлсинлар, демоқчиман.

Миллатнинг софлиги, қонимизнинг тозаллиги, авлоднинг соғломлиги эркак ва аёл, йигит ва қизларнинг покдонлигида эмасми? Поклик эса иймондандир, дейдилар.

ҚИЗИНГИЗДЕКМИЗ-КУ...

ди-ю, домла гапининг давоми-ни айтолмасан...

Эрмат ака менга нигоҳини қадаб, кўрсаткич бармоғини бизиз қилиб:

- Ўт-тир! - деб бақирди у.

Маст одамга бир нима дейиш қийин. Стол афродидаги пластмасса креслолардан бирига ўтирдим.

Тебраниб-тебраниб келди-да, бир пиёлага газли сув қуйиб, менига узатди. Ичгим келмаса-да, қўлimgа олдим.

- Ич деганман! - бақирди.

- Хўп, ичаман, - деб турибман.

Хаёлимга хар хил ёмон фикрлар кела бошлади. "Нега ича-

ман? Нега пиёладаги сув юзи қаймоқ боғлангандай оқарди? Нега ўларининг пиёласидаги сув тиник, бижирлаб турибди? Йўқ! Ичмайман. Ичолмайман!..." Катъий қарорга келаман. Уни чапгитишим, пиёладаги сувни қаргадир тўкиб юборишим керак. Деразанинг бир қаноти очик, ҳаво елвизак бўлиб турибди. Шу ердан ташқарига сегиб юбордим. У сезгандай бўлди. Кўзи очилиб-юмилиб турган маст фақат "ичдингми?" деб бақирди. Домла ёнимни олди. "Ичди", деди.

Кўнглим алдамаган экан. Ичмай тўғри қилган эканман. Эр-

- Мах-ли-ё! Эр-та-га ишга чиқа-сан! Бу ёққа ўт!

- Раҳмат! Раҳмат!

Уй бекаси ошхонага кетди. Мен ҳам "ҳозир" дедим-да, унинг изидан чиқдим. Эрмат ака "Тўхта!" деб бақирарди. Мен: "Опага ёрдамлашай!" деб чиқиб кетдим.

Ёвгимга кийимимни илдириб, қочиб қолдим. "Ишинг бошингдан қолсин! Ифлос! Мараз!" Миямда яна қанча ёмон сўзлар гужгон ўйнарди. Маҳалладошим, акамнинг синфдоши бўлса-да, Эрматнинг илтифотлари, кибр-ҳаволари, мақтанашлари орқасида қанчалик макр, хийла, ту-

Акалар, тоғалар! Шу масъулиятни сезасизларми? Ахир, аждодларимиз миллатнинг аёлининг шаъни, қадр-қиммати, ор-номуси учун курашганлар. Бу йўлда ўзларини қурбон қилганлар. Биз сининг кизингиз, сингилнинг мақомидамиз. Хотин-қизларга фаҳш назари билан қараш, никоҳсиз учрашувлар, воситачилик қилувчиларнинг "халис хизмат"лари гуноҳ эмасми? Сиз нима дейсиз, азиз юртдошлар?

Махлиё.
КЎКЎРҒОНЙ ОҶКА КЎЧИРДИ.

БЕЧОРА ЗУЛАЙХО...

(Давоми. Боши 12-бетда)

Кейин ўзидаги бу аҳмоқона, шарманда ҳисдан ўртаниб, ҳеч кимга билдирмай узоқ йиғларди. Бора-бора унинг галати қилиқларини уйдагилар ҳам сеза бошлашди. Қайнотасини кўрса кўзлари порлаб қувониб кетар, аммо шу заҳоти дахшатга тушиб, қалтироқ босганча хонасига қочиб қоларди. Эрига гоҳ ўта муҳаббат билан муносабатда бўлса, гоҳ уни мутлақо кўргиси келмай қоларди. У билан вужуди талаб қилаётган туйғуни хис қилолмаётганидан алами келиб, эзиллиб-эзиллиб йиғларди. Шохрухни қанчалик яхши кўрмасин, усиз ҳаётини тасаввур қилолмасин, нега унинг кўнгли бахтдан масрур бўлишининг ўрнига азоб чекмоқда, нега? Нега у қайнотасини ота сифатида эмас, эркак сифатида қабул қилмоқда? Кетishi керак. Аммо сабабини нима деб айтиди? Дардини ҳеч кимга айтолмайди, ҳеч кимга... Бир ўзи билади, бир худдо... У охириги фикрдан кўриб кетди. Ахир у дину-диёнатдан, худодан хабардор оилада тарбия топганди. Нима, бу одамлар худодан бе-хабарми? Элёр Қудратович елкалари очик, билаклари яланғоч қизларини ҳам худди Зулайхони

эркалагандай силаб-сийпаларди. Оталарча меҳр билан кучаётгани кундай равшан эди. Қизлар ҳам оталарининг бағрига самимий бош кўярдилар. Уларни ҳеч нарсада айблаб бўлмасди, айбнинг ўзи йўқ-ку бу ерда. Зулайхо уларнинг муносабатларини зимдан кузатиб тураркан, ўйлаганларининг ҳақиқатлигига шубҳа қилмасди. Аммо нега ўзи билан бундай самимий туйғу рўй бермаяпти. Демак, унинг ўзи-да айб, ёлғиз ўзи гуноҳга ботмоқда. Сўнги иккори уни бутунлай ақлдан оздирай деди. Энди у қайнотасидан очикдан-очик қочар, қайнотасининг кўзларига қаролмас, ундан кўрқарди.

Унинг галати-галати қилиқлари, гап-сўзлари уйдагиларини ташвишга сола бошлади. Келинларига нимадир бўлаётганини тан олт-шаркан, уларнинг хавотирлари ор-гандан ортиб борарди.

- Сен уни кўз-кўзлаб олиб юр-вердинг, ана оқибати, кўз тегди. - Ха, келиним билан мактангим, фахрлангим келди, - дерди қайнона эрининг таънасидан оғриниб.

Нима бўлди-ю, бир кун ишдан қайтган қайнотасини Зулайхо кут-иб олди. Унинг кайфияти яхшироқ эди, кўзлари порлаб:

- Яхши келдингизми? - деди ва

у томон энтикиб талпинди. Элёр Қудратович хурсанд бўлиб кетганидан доимгидай уни бағрига босиб, пешонасидан

ўпиб қўйди.

- Ҳайрият-э, чехранг аввалгидай, кўринишинг яхши. Ишқилиб ўғлим билан кўша қаринлар. Ёмонликларингни кўрмайлик, - деди у хаяжонлиб.

Зулайхо бир лаҳза, борингки, лаҳза ҳам эмасдир, вужудидаги сархушлиқдан энтикиб кетди-ю, қайнотасининг бакувват қўларидан ушлади, йўқ, ушлади ҳисоб... Шу заҳоти кўзлари дахшатдан олайиб хонадан отилиб чиқиб кетди. Элёр Қудратовичнинг озги очилганча қолаверди.

Шундан сўнг Зулайхога қанчалик қийин бўлмасин бу уйдан кетишга қарор қилди. Агар вақтида кетмаса кечириб бўлмас гуноҳдан ўзини қайтаролмаслиги аён бўлди. Уч ойлик келинчак бекордан-бекорга ота-онасиникига қайтиб келганига ҳамма ҳайрон. Ўзидан сўрашса ажрашшидан бошқа ҳеч нарса керакмаслигини айтиб йиғлайди. У ёқда қайнота-қайнотанинг аҳолини айт-маса ҳам бўлади. Қайнотаси касалхонага тушди. Қайнота келинига кўз текканида ўзини айблайвериб қуйиб кетди. Шохрух гап нимадали-гини билолмай эсанкараб қолди. Лекин ҳеч ким сирининг тағига етол-мади, етолмайди ҳам...

Насиба РИЗАЕВА


Автобусда ногаҳон икки ўрта ёшли аёлнинг суҳбатига гувоҳ бўлдим.

- Жиянингиз Дилафрўз-хон ажрашибди?

- Ҳа, энди ақл кирди унга. Бошида айтгандим: "Шу ландовур эрингини ташла, сенга мос эмас", деб.

- У ҳам қариндошингиз шекилли-а?

- Ҳа, қариндош бўлмасдан



дедим. Тўғри-да, ўзини ҳам ўйлаши керак-ку!

- Куёв нима қилапти?

- Кувёвнинг онаси хар кўрганча: "Сиз кўчада юрасиз, биронта яхшироқ аёл

"ЗАКОННИЙ" АЖРАЛИШГАН

кетсин. Шундай чиройли, келишган қизимизни олганди, нима қилиб берди? Тузукроқ кийим олиб бер-маса, тақинчоқларни-ку айтмаса ҳам бўлади. Жия-ним бечора "ишлайман" деса, "йўқ" дермиш, рашк қилармиш. Ниманга рашк қиласан? Мана охири 4 та болалӣ бўлиб ажрашди, "законний" қилиб. Болалари ҳам «бизга пулсиз даданинг кераги йўқ», дейишибди. Болаларини опамга ташлаб, 4-5 йилдан кейин келаман, деб ишлагани чет элга кетди. "Иложини топсанг, ўша ёқларда эрга тегиб ол",

топинг", деб менга дарду ҳасрат қилади. Ким ҳам те-ганди, нима қилиб берди? Туғри-да, ой-ликхўр эр билан ким, қайси аҳмоқ яшаркан?..

- Вой, бизнинг кўчада би-роз оварроқ қарикиз бор. Балки шунга борса тега-р... Аёлларга обдон разм сол-дим. Шу аёлларнинг ҳам эр-лари бормикан? Агар бор бўлса бу аёллар билан қан-дай умргузаронлик қилиша-ётган экан? Шундай аёллар билан яшаётган, "пулли дада" бўлиш учун ўзини ўтга-чўққа ураётган эркак-ларга жуда қийин...

Зебуново ГАФФОРОВА

МУЗ ЧИНИҚТИРАДИ МУЗ ШИФО БАХШ ЭТАДИ



(Давоми, боши ўтган сонда СОВУҚ СУВДА ЧАЙНИШ

Бугун тана устидан совуқ сув куйиб ювиниш, айниқса кон айланишининг бузилиши, остеохондроз, сколиоз, асаб тизими касалликлари, уйқусизликда энг яхши муолажа усуллари билан биридир. Олдинги 1-2 дақиқа гулчелак (лейка) ёки қўлда ушлаб туриладиган душда товондан энсага қараб совуқ сув куйинг. Лекин биз билладиган одатдаги душ остига туриб бу муолажани қўллай кўрманг. Чунки анча юқоридан босим остида тушаётган совуқ сув сизга салбий таъсир кўрсатиб, ҳолатингиз яхшиланиш ўрнига ёмонлашиб қолиши ҳеч гап эмас. Кейин 1-2 дақиқа бўйин, кураклар, бел, думгазага сув куйиб, тезгина қўл ва кўкракларингиз устидан ҳам

байнида товон, болдир, тизза ва белга совуқ сув куйиб ювиниш керак. Аста-секин муолажа вақтини 5-7 дақиқага етказиш мумкин.

Ревматизм, артрит, тизза бўғимлари жараҳатлари, оёқ панжаларидаги замбуруғли касалликларда кунига икки-уч марта оёқнинг тиззадан паст қисмини совуқ сувда ювиш фойдали. Бунда қишда сувга қор, ёзда эса майдаланган муз бўлақчалари қўшиб тавсия қилинади. Муолажа вақтини кейинчалик 5-7 дақиқага етказиш мумкин.

Юрак, қон-томир касалликларида 2-3 дақиқа аввал кўлингиз бўғимлари, сўнг кафтининг ташқи томонини бармоқлар учидан ўйроқ суягича, кейин эса кафтларнинг ич томонидан қўлтиқ остигача совуқ сув куйиб ювиш керак.

Доимий бош оғриғи, бош айлиниши, хотиранинг сусайишида ванна ёки тоғорага бошингизни эгиб туринг. Бир киши эса бошингиздан олдин 1 дақиқа совуқ, сўнг 5-7 дақиқа 35-36 даражадаги илиқ сув куйиб турсин. Муолажани тугатиб, бошингизни яхшилаб артинг. Бу муолажа билан бир вақтда оёқлар учун контрастли ванналар қилсангиз, самараси янада ортади. Бунинг учун оёқларингизни навбати билан 5 сониядан аввал илиқ, сўнг совуқ сувли тоғорага солиб туришингиз керак бўлади. Бундан ташқари **мигренада** кунига 2-3 марта қорин атрофини уксусли совуқ сувда ювиб туриш тавсия этилади. Бу муолажада ошхона уксуси бир литр сувга 0,5 стакан ҳажмида қўшилади.

Совуқ сувли барча муолажаларни аввалига илиқ ёки сал совуқроқ сувда бошлаган маъқул. Аста-секинлик билан сувнинг ҳароратини -10, -14 даражагача тушириш мумкин. Совуқ сувда ювиниш ёки устингиздан сув куйиш муолажасини тугатгач, баданингизни сочқича артманг. Яхшиси, танангиз ҳўллагича кийим кийиб олинг ва исиниш учун 10-15 дақиқа ҳаракатланиб туринг.

АСПИРИН ШАРТ ЭМАС

Айрим кишилар тана ҳароратини тушириш учун оёққа совуқ ванна қилишади. Аммо оёқнинг музли сувда 1 дақиқадан ортиқ ушлаб турмасликни маслаҳат берган бўлардик. Сўнгра уларни яхшилаб уқалаб иссиқ пайпоқ кийиб олиш шарт. Шунда тананинг ҳарорати 1 даражага пасаяди.

Бош оғриғи хуружини қолдириш учун ҳам оёққа совуқ ванна қилиш мумкин. Бунинг учун тоғорага тўпиқча келадиган қилиб музли сув солиб, оёқнингизни ботирасиз. 1-2 дақиқа давомида тез-тез бир жойда

юргандай ҳаракат қилиш керак. Сўнг оёқингизни уқалаб артиб, иссиқ пайпоқ қиясиз ҳамда улар исиши учун 10 дақиқа у ёқдан бу ёққа юриб турасиз. Шунда оғриқ ўтиб кетади.

Мигрендан азиат чекадиганларга эса кўпроқ ялангоёқ бўлиб, шудрингда ёки совуқ сувда юриш тавсия қилинади. Албатта, ёз кунлари бирор бир сув ҳавзаси бўйидаги тошлар устида юришининг самараси кўпроқ. Аммо бунинг иложи бўлмаса, ваннанинг ичига дағал тўшама солиб, совуқ сувни оқизиб қўйинг ва бир жойда қорини одат қилинг. Дастлабки муолажалар 1 дақиқадан ошмаслиги керак. Ҳар уч кунда унинг



вақтини 0,5-1 дақиқага узайтириб бориш мумкин. Шу билан бирга оёқингиз сувга 3-4 сантиметр (тўпиқча) ботиб турсин.

ЧИНИҚТИРАДИ, ҚУВВАТНИ ОШИРАДИ

Ҳар кун ваннани совуқ сувга тўлдириб, 30 сониядан 3 дақиқача унга тушиб ётиш танани чиниқтириш ва қувватини оширишнинг энг самарали усуллари билдир.

Гипертония, қон айланишининг бузилиши, иммунитетнинг пасайиб кетиши, семиришга мойиллик ва турли шишларда. Ваннага 30 сантиметрдан оширмай совуқ сув соласиз ва унга тушиб ўтирасиз. муолажанинг давомийлиги дастлабки кунлари 1-2, кейинчалик эса 5-7 дақиқа. Ванна қабул қиланган вақтингизда ҳўл кўлингиз ёки совуқ сувда намланган уқалаш чўткаси билан қорин ҳамда буйрак атрофларини тепадан пастга қараб уқалаб туринг.

Тахикардияда қўл учун совуқ ванналар қабул қилиш фойдали. Бунинг учун қўлни тирсаккача совуқ сувга ботириб ўтириш керак. Муолажани куннинг иккинчи ярмида олиш тавсия этилади. **Мигрен, уйқусизлик, ўпка, буйрак, ошқозон, ичкалар, сийдик пуфағи, жигар, ошқозон ости бези, ўт пуфағи касалликларида.** Ванна ёки катта тоғорага болдиргача қилиб совуқ сув куйинг. Сўнг унга тушиб, оёқ билан 1 дақиқа мобайнида худди лой тепкилагандек ҳаракат қилиб туринг. Кейинчалик муолажа вақтини 5-6 дақиқага етказиш мумкин. **Ёдингизда бўлсин: сувда тинмай ҳаракатда бўлинг!**

Қон айланишининг бузилиши оқибатида қўл ва оёқларингиз музлаб қолаётган бўлса, кунига икки маҳал кўлингизни тирсаккача, оёқингизни эса тиззагача

совуқ сувга солиб, муолажа олинг.

Кўзингиз чарчаб, кўриш қобилиятингиз сусаяётгани сезсангиз, махсус ваннали муолажалар сизга ёрдам беради. Каттароқ тоғорага 18-20 даража илиқликдаги сув солиб, 15 сония давомида унга юзингизни ботириб туринг (бунда албатта кўзларингиз очик бўлсин). Иккинчи кун 15 сониялик муолажадан сўнг, ярим дақиқа дам олиб, яна такроқлаш керак. Учинчи кун худди шу тарзда уч марта, тўртинчи кун тўрт марта ва ҳоказо. Муолажа 7 мартага етгунча давом эттирилади.

СОВУҚ, АММО ФОЙДАЛИ

Совуқ компресслар, ҳамда совуқ сувда ҳўлланган кўрпа жилдига ўраниб ётиш танага кучли шифобахш таъсир кўрсатади. Совуқ сув териға тушиши билан қон томирлари кенгайди, қон айланиши яхшиланади. Орадан 5-8 дақиқа ўтиб, бемор энди совуқсураш ўрнига ёқимли илиқликни хис қила бошлайди. Агар шу усулни ўзингизда қўллаб кўргангизда исимасангиз, демак бундай муолажа сизга тўғри келмас экан.

Ангина, юқори нафас йўллари касалликлари, бош оғриғида. Тананинг бўйин қисмига компресс қилиш керак. Бунинг учун сочқичи ёки тўрт букланган докани совуқ сувда ҳўллаб, сиқиб ташлайсиз-да, дарров бўйинга қўясиз. Кафтингиз билан силлиқлаб ичида қолган ҳавони чиқариб ташлайсиз. Устидан қуруқ мато билан ҳаво ўтмайидиган қилиб боғлаб қўясиз. Сўнг кўрпага ўраниб, 45-60 дақиқа ётиш керак. Компрессни ечиб олгандан сўнг бўйингизни ювиб, қуруқлаб артинг.



вуқ сувли компресс қўйиш тавсия қилинади. Бунинг учун узун пахталик мато бўлақларини олиб, совуқ сувда ҳўллайсиз. Енгил сиқиб ташлагач, ҳар иккала оёқнинг болдирини ўраб, устидан жун шарф боғлаб, 1-2 соат ўтирасиз.

Тирсак ва тизза бўғимлари оғриганда. Худди юқоридагидек компрессни тирсак ва тиззага қўйиш тавсия этилади.

Оёқ юзи ва панжалар оғриганда компресс учун пахталик қўлқоп ва пайпоқ зарур бўлади. Уларни совуқ сувда ҳўллаб, сал сиқиб ташлагач, қўл ва оёққа кийиб оласиз. Устидан қуруқ жун пайпоқ ва қўлқоп кийиш керак.

Стенокардияда эрталаб ва кечқурун навбати билан юрак атрофи ҳамда қўл панжасига совуқ компресс қўйиш фойдали. Ҳар бир муолажа 1,5-2 соат давом этади.

ИСПАНЧА ПЛАШ

Табобатда «испанча плаш» деб ном олган муолажа ҳамманинг ҳам юрағи дов бермаса керак. Чунки бунда кўрпа жилдини совуқ сувда ҳўллаб, енгил сиқиб ташлагач, яланғоч баданга ўралади. Устидан жун одеяло ўраб, иссиқ ўринга кириб 1,5-2 соат ётиш керак. Мазкур му-



суб юргизиб оласиз. Муолажа пайтида танани қўл билан уқалаб туриш мумкин.

Ичка касалликлари, бавосил(геморрой), простатит, импотенция, вена қон томирларининг варикоз кенгайишида 1-2 дақиқа давомида тананинг қуйи қисмига - товондан белгача, олдин орқа томондан, сўнг олд томондан совуқ сув куйиб муолажа қилинади. Аста-секин муолажа вақтини 4-5 дақиқага етказиш мумкин. Муолажа олтидан оёққа иссиқ ванна қилиш тавсия этилади. Бунинг учун тоғорага қайноқ сув қуясиз ва устига тахтача қўйиб, оёқингизни қўйиб ўтирасиз. Оёқингизнинг тиззадан пастини тоғора билан бирга кўрпага ёки жун одеяло билан ёпиб, буғлайсиз. Вақти-вақти билан тоғорага қайноқ сув куйиб туриш эсингиздан чиқмасин. Муолажани бугун аъзойи баданингиздан тер қўйлиб келмагунча давом эттиринг.

Вена қон томирларининг варикозли кенгайиши, тромблефит, оёқлар атеросклерозид 1-2 дақиқа мо-



Сурункали ва кучли бронхитда, ўпка яллиғланишида, бел оғриғида кўкракка совуқ компресс қилиш керак. Эни 30-35, узунлиги 130-180 сантиметр бўлган пахталик мато олиб, совуқ сувда ҳўлланг. Сал сиқиб ташлаб, кўкрак қафасини айланатириб ўраш керак. Устидан кен жун шарф ёки юмшоқ сочқик билан боғлаб, кўрпага ўраниб, 1,5-2 соат ётиш лозим.

Гипертония, ошқозон ва ўн киши бармоқли ичка яраси, панкреатит, колит, гастритда қоринга компресс қўйиш яхши самара беради. Бу компрессни бошқаларидан фарқли равишда уйқуга ётишдан олдин қўйсиз ҳам бўлади.

Қон томирларининг варикозли кенгайиши, юқори ҳарорат ва бош оғриғида болдирга со-

олажа юқори ҳароратни туширишда, бўғимлар оғриганда, ревматизмда, жигар хасталиклариде яхши самара беради, терини тозалайди ва ёшартиради, қон айланишини яхшилайди.

Яхшилаб терлаш учун «испанча плаш» муолажаси олтидан лимон шарбати қўшилган бир стакан қайноқ сув ичиб олишни унутманг. «Плаш»ни ечганингиздан сўнг илиқ сувда ювиниб, қуруқ ички кийим кийинг ва ўринга ётиб ухланг.

Ўтқир ва сурункали касалликларда қорли ва музли терапия, совуқ сувда ювиниш муолажаларини олишдан аввал шифоқор билан маслаҳатлашинг!

ДАРМОН ВА НОДИРА тайёрлашди.

ТУҒИЛГАН КУН ВА СОҒЛИК

Рухият
спирлари

Рухшуносларнинг фикрича, инсоннинг соғлиги ва қандай касалликларга мойиллиги унинг руҳий-жисмоний типига боғлиқ бўларкан. Руҳий-жисмоний типни аниқлашда туғилган сана ёрдам беради.

Масалан, сиз 1970 йилнинг 16 апрелида (тўртинчи ой) туғилгансиз. Рақамларни қўшиб чиқамиз: $1+9+7+0+1+6+4=28$. Қўшишни то 1 хонали сон чиққунча давом эттирамиз. $2+8=10$; $1+0=1$. Демак, сизнинг руҳий-жисмоний типингизни билдирувчи сон 1 экан. Энди таърифларга ўтамиз.

1. КАЙФИЯТ ВА ҲОЛ-АҲВОЛ

"Бир"лар кувнок, ҳаракатчан кишилар бўлишади. Ўзлари ҳақда қайғуришни ёқтиришмайди, буни вақтлари йўқлиги, доимо бандликлари билан ҳас-пўшлашга уринадилар. Аммо улар артериал қон босими ошиб кетмаслигига эътибор қаратишлари, умуртқа ва кўз учун махсус машқларни одат қилишлари керак. Руҳий зўриқиш ва толиқиш ҳолатларида уларга саллагул(пионгул) дамламаси ёрдам беради. Чойга эса мойчечак ва лимонут(мелисса) қўшиб ичишлари зарур.

Зайтун ва кунгабоқар ёғи, ёнғоқ, узум, бодом, турли бўтқалар, асал, лимон фойдали егуликлар ҳисобланади. Уларга ўнг қўлларининг номсиз бармоғига тилла узук тақиб, сариқ ёки оловранг кийим кийиш тавсия этилади.

2. ТАОМ ВА СОҒЛИК

"Икки"чилар бадгумон, салгина вос-вос, ҳиссиётли бўлишади. Ўз соғлиқларига жиддий эътибор қаратишади, аммо табиий воситаларга эмас, ҳапдориларга ўч бўлишади. Аслида эса уларнинг асосий муаммоси овқат хазм қилиш тизимидадир.

"Икки"чиларга қовун-тарвузлар жуда фойдали, аммо уларни бошқа егуликлар билан аралаштириб истеъмол қилмасликлари керак. Бодринг, ошқовоқ, сўт-қатик маҳсулотлари ҳам фойдали. Гўшти, аччиқ, дудланган егуликлар-

дан, спиртли ичимликлардан тийилиш тавсия этилади. Чойга жўжа(липа) гулининг қуритилганидан қўшиб ичиш керак. Оқ ва кумуш ранглар шифобахш ҳисобланади.

3. ОДАТЛАРНИНГ ЗАРАРИ

"Уч"ларнинг кучли томони ҳам, кучсиз жиҳати ҳам уларнинг одатиди. Чунки уларнинг ўрганиб қолган одатларидан (айниқса зарарлиларидан) воз кечишлари жуда мушкул. "Уч"ларда қон босими, жигар ва ўт(сафро) қопи касалликларига мойиллик кучли бўлади. Шу боис овқатланишга эътиборли бўлишлари шарт. Ёғли таомлардан, спиртли ичимликлар ва аччиқ қаҳвадан тийилиш талаб этилади. Улар қавшанганча телевизор кўриш, кечкурун тўйиб овқатланиш одатларини тарк этганлари маъқул. "Уч"ларга цитрус мевалар, қизил лавлаги, анжир, қулупнай, қорагат(смородина), ровоч, сачратки ўт(цикорий)дан тайёрланган ичимликлар ниҳоятда фойдали. Улар чойга ялпиз, иссиқ овқатларга мускат ёнғоғи қўшишлари тавсия этилади. Кўк ёки сиёҳ рангли кийимлар мос келади.

4. СОҒЛИКҚА ЙЎЛ ОЧИНГ

"Тўрт"лар соғлиқларининг зўрлигини айтиб мақтанишни ёқтиришади. Аммо уларни кўпроқ аллергия, нейродерматит, вегетив, қон-томир дистонияси безовта қилади. Умуртқаларини мустаҳкамлаш учун махсус машқлар бажариб туришлари керак. Уларга гипноз, игна билан даволаш, физиотерапия, гомеопатия, ўқалаш муолажалари яхши ёрдам беради. Денгиз тузлари ёки хвос-

экстракти(уни дорихоналардан топишингиз мумкин) қўшилган ванналар ҳам фойдали. Тамаки маҳсулотлари "тўрт"лар учун бошқа типларга қараганда зарарлироқ ҳисобланади. Парҳез сақлаганда таомномада селдерей, ловия, нўхот, пишлоқ кўп бўлиши, гўштни эса балиқ билан алмаштириш зарур. Кийим-

тумовга мойилликлари бошқаларга нисбатан кучли бўлади. Улар учун қулмоқ (хмел), валериана қўшилган тинчлантирувчи фиточойлар фойдали. Тумов ва йўталдан эса тошчўп (чабрец), ертут барги энг яхши ҳимоячи ҳисобланади. Чўнтақларида лаванда мойи шимдрилган дастурмоқ олиб юришларини маслаҳат берган бўлардик. Чунки лаванда ифори асабийлик ва ақлий зўриқиш ҳолатларида тинчлантирувчи восита сифатида қўлланади. Дастурхонларидан ловия, дуккақиллар, сабази, турли ёнғоқлар, петрушка, арпабодиён(фенхел) ари-маслиги керак. Жигарранг, сариқ ва тупроқ рангли либослар "беш"лар учун маъқул ҳисобланади.

6. ҲАММАСИ ҲАМ ФОЙДАЛИ ЭМАС

"Олти"лар бир қадар тақалтанг, яхши еб-ичишни ёқтирадиган, шу боис семиришга мойил кишилар бўлишади. Улар томоқларини асрашлари, аёллар эса тез-тез гинеколог қабулида бўлиб туришлари керак. Йўнғичча(клевер), қизил ярына қўшилган фиточой ичиш тавсия қилинади. Улар хидларга жуда сезгир бўлишади. Шу боис "олти"ларга кўпроқ атиргул, ялпиз ва маврак(шалфей)дан олинган эфир мойлари мос келади.

Улар ширинликлар, яхна ичимликлар ва музқаймоқдан тийилсалар ўзларига яхши. Олма, ўрик, шафтоли, нок, анор, олча каби меваларни кўпроқ еб туришлари зарур. Яшил рангли нарсалар(хусусан кийимлар ҳам) уларга шифобахш таъсир этади.

7. УЙКУ ДОРИ ЗАРАРЛИ

"Етти"лар бадгумон бўлишади. Шу сабабли кўп вақт дардлари аслида уларнинг хаёли маҳсули эканлигини билишмайди.

Улар спиртли ичимликлар ва уйку дорилардан воз кечишлари керак. Уйларига кичкинагина фавворача бўлгани маъқул. Чунки сувнинг отилишини томоша қилиш уларга тинчлантирувчи ва руҳиятни кўтарувчи таъсир кўрсатади. Кўпроқ денгиз қарами, умуман, барча турдаги денгиз маҳсулотларини еб туришлари, фақат кўк чой ичишлари тавсия этилади. Оқ ва пушти ранг "етти"ларга жуда мос келади.

8. КУВНОКЛИК - СОҒЛИК ГАРОВИ


"Саккиз"лар ҳаётга жиддий қарашади, жуда ҳам маъсуллик бўлишади. Улар учун энг яхши дори - мириқиб қулиш. Шу боис "саккиз"ларга кўпроқ кинокомедиялар, қизиқчиларнинг чиқишларини томоша қилиш, хандалар, ҳажвиялар ўқиш тавсия қилинади. Улар тишлари ва таянч-ҳаракат тизими соғлом бўлишига жиддий эътибор беришлари зарур. Чунки улар орасида артрит, ревматизм ва артроз кўп учрайди. Тез-тез организмни хил-лардан тозалаб туриш керак. Дастурхонларидан қизил лавлаги, жавдари нони, арпадан тайёрланган таомлар аримаслиги лозим. Марварид-бўз ранг кийимлар "саккиз"ларга мос келадиган либос ҳисобланади.

9. ШОШИЛИША - УЛГУРИШМАЙДИ

"Тўққиз"лар доим шошилиб юришади, интилувчан, жўшқин, серзарда, жиззак бўладилар. Шу боис улар турли тан жароҳатлари, шикастлар олишга, бурундан қон кетишига, ўқори ҳаётнинг билан кечадиган юқумли касалликларга мойил бўладилар. Аёллар эса ҳайз кунларини оғир ўтказишади.

Уларга қичитки ўт, алоэ, наъматақли фиточойлар фойдали. Мунтазам пиёз, саримсоқ пиёз, редиска истеъмол қилиб туришлари зарур. Спиртли ичимликлардан тийилишлари, гўшти таомларини эса камроқ ейишлари тавсия этилади.

"Тўққиз"лар уйларига кактус ўстиришлари лозим. Кийим танлаганда эса қизил рангида тўхташ керак.



кечак харид қилганда яшил рангли кишига ҳаракат қилинг. Қора рангдан эса узокроқ юргангиз маъқул.

5. ҲОРДИҚНИ УНУТМАНГ

"Беш"чилар серҳаракат, хушмуомала, сертақаллуф ва интеллектуал қобилиятлари юқори бўлишади. Уларнинг мияси доим ишлаб туради, нуқул нималарнидир ўйлаб, ҳисоб-киتاب қилиб юришади. Шу боис мияларига яхшигина дам зарур. Аммо улар кўпгина буну унутиб қўядилар. Шу боис уйқусизлик, руҳий сиқилиш ва тушқунлик, йўтал билан кечадиган грипп ва

Кўпчилик оиладаги биринчи фарзанд энг ақлли ва энг қобилиятли бўлади, деб ҳисоблайди ҳамда буни тўнғиччага ҳамма алоҳида эътибор бериши билан изоҳлашади. Аммо олимлар бу фикрнинг нотўғрилигини аниқлашди.

АҚЛЛИ БОЛАЛАР



ҲАММАСИ ГЕНГА БОҒЛИК

Америкалик олимларнинг фикрича, боланинг ақлий қобилияти қандай бўлишида унинг оилада нечанчи фарзанд эканлиги муҳимроқ аҳамиятсиз. Бу нарсаси, биринчи навбатда, ота-онасининг, энг қизиги, кўпроқ онанинг билими, онг, дунёқараш даражасига бево-

сита боғлиқ бўлар экан. Яъни она қанчалик билимли бўлса, фарзандлар ҳам шунча билимдон бўлиб улғайишади. Шу боис она бўлиш умидидаги қизу аёлларимиз келажақда фарзандлари олим оқил инсон бўлишини истасалар, ўз билимларини оширишга, дунёқарашларини кенгайтиришга алоҳида эътибор бериб, кўпроқ китоб ўқишлари, театр, концерт, кинога туришлари талаб этилади.

Яна бир жиҳати, боланинг ақлий салоҳияти онанинг ёшига ҳам боғлиқ бўлар экан. 18-20 ёшда фарзанд кўрган аёлларда боласидан ҳар томонлама қомил инсонни улғайтириш имконияти 25-30 ёшда болали бўлган жинсдошларига нисбатан камроқ бўлиши аниқланган. Бунинг бир неча сабаблари бор. Авва-

ло, 18-20 ёшда аёлнинг билим доираси 10 йил кейингига нисбатан камроқ бўлиши мумкин. Шунингдек, ёш ота-онада фарзандига билим бериш(билим деганда кичиклигида турли ҳаракатчан ва ақлни ўстирувчи ўйинлар, сал каттароқ бўлган, расмли китоблар воситасида тарбиялаш, сўнгра намунали мактаб ёхуд гимназияда ўқитишни тушуниш) учун иқтисодий имкониятлар ҳам етарли бўлмаслиги кўп учрайдиган ҳолат. Шунинг учун бўлса керак, бугунги кунда дунёнинг аксарият мамлакатларида эр-хотинлар коллеж ёки университетларни битириб, бирор ишнинг бошини тутиб, иқтисодий жиҳатдан ўзларини тиклаб олган, яъни 30 ёшга бориб фарзанд кўришга ҳазм этишмоқда.

БАЛИК ВА АҚЛ

Боланинг интеллектуал қобилиятига бўлгуси онанинг қандай таомлар ейиши ҳам таъсир кўрсатади. Бу боис ҳомиладор аёллар кўпроқ ёғли балиқ еб туришлари керак. Чунки бундай балиқ гўштида ақлий қобилиятни ўстиришга ёрдам берадиган **omega-3** номли мик-

роэлемент кўп бўлар экан.

Бола туғилиб, улғая бошлаган эса у таркибда фолий кислотаси, темир, рух, йод моддалари сероб бўлган маҳсулотларни кўпроқ истеъмол қилишига эътибор қаратиш лозим.

Болага турли чанқовбосди ичимликларни камроқ бериш, асосан мевасабзавотлар, сўт ва балиқ маҳсулотлари, гўшт, тухум, дуккақиллар, донли ёрмалар унинг кундалик таомлари бўлиши зарур.

ШАХМАТ ВА БОШҚАЛАР

Юқоридаги фикрларни ўқиб: "Фарзандимни 20 ёшдан тўққан эдим, демак у бошқа тенгдошларидан билимсизроқ бўлиб ўсаркан-да", деган хаёлга бироз мулақо нотўғри. Интеллектуал қобилият бўлиш билан бирга, ҳар бир ота-она фарзандининг ақлий имкониятларини ўстириши мумкин. Кичкиналикдан бола билан кўпроқ ҳаракатчан ва ақлий қобилиятни ўстирувчи ўйинлар ўйнаш, унга турли шакллар, нарсалар ясаш ва йиғиш талаб этиладиган ўйинчоқлар олиб бериш, расмли китоблар ёрдамида шуғулланиш, эртақлар айтиб бериш, шеърлар ёдлатиб хотирасини мустаҳкамлаб бориш тавсия этилади. Мактаб ёшида эса бошқотирмалар, ребуслар, шахмат ўйнаш, расм чизиш, мусика тўғрарига қатнашиш боланинг интеллектуал қобилиятини ўстиришнинг энг яхши воситалари ҳисобланади.

Д. ИБРОҲИМОВ тайёрлади.

Эшикдан кириб келган хомиладор аёл:

- Бу ерга келиш қанчалар уят бўлса-да, бошқа иложим қолмади, - дея кўзига ёш олди.

- Бошидан гапирингчи, нима бўлди?

- Олий маълумотли мутахассисман. Уқишни битиргач, ўзимиз томондан



ТАҚДИР МЕНИ ЯНА АЛДАДИ



тегадиган бўлдим. Бу одамнинг уй-жойи йўқлиги, ҳеч жойда ишламаслигини билардим... Лекин бу нарсалар менга аҳамиятсиз эди. Рози бўлдим. Уйдагилар: "Агар фарзандли бўлиб, яхши яшаб кетсанг, бизлар уй олиб берамиз", - дейишди. Биз ижарада турардик. Икки кишининг ош-овқати, кийими, ижара пули, ҳамма-ҳаммаси ўз зиммамда эди. Ойлар ўтса-да, бекорчиликдан зерикмади.

Бу орада мен хомиладор бўлдим. Бир куни ширин орзуларимни у билан баҳам кўриш мақсадида: "Хали сиз ишларга кириб болангизга кўп ўйинчоқлар олиб келасиз-а?" дедим. Шунда у: "Сен пул топмаётганимни таъна қилдинг. Демак, сенга пул керак экан", деб жаҳл қилди-ю, чиқиб кетди. Шу-шу қайтиб келмади.

Биласизми, авваллари қизим бўлишини орзу қилардим. Кеча текширтганимда хомилам "ўғил" эканлигини билдим ва негадир жуда хурсанд бўлиб кетдим. Аммо барибир менга бир панох бўлувчи эр, тугилажақ фарзандимга ота керак. Мушкул аҳволдалигимни мана сизга ҳам айтдим. Олдинда биз-мен ва фарзандим учун бир ёруғлик бормикан, нима дейсиз?

- Кўнглини чўктирманг, яхшиликни умид қилишдан чарчаманг, синглим. Энг муҳими оналик бахтига эришиш. Тoleингизда бўлса, яхши инсон унга оталик ҳам қилар.

Матлуба ШУКУРОВА

Ёшим 28 да. Узун бўйли, ўқимишлиман. Пойтахтдаги нуфузли олийгоҳ талабасиман. 55 кун яшаб ажрашганман. Алдовлар қурбони бўлдим. Дунёқараш кенг ва ўзимга мос келадиган инсон билан оила курсам, дейман.

Манзилим тахририятда. Мехринисо

Ёшим 35 да. Тошкент вилоятиданман. Қасбим бор. 28-29 ёшлардаги, ажрашган бўлса ҳам фарзандсиз ёки турмушга чиқмаган бир аёлга уйланиб бахтли қилмоқчимман.

Манзилим тахририятда. Мухсинбек

27 ёшдаман. 35 ёшгача бўлган, аёли йўқ, лекин фарзанди бор бўлган эркак билан танишиб турмуш қурмоқчимман. У албатта уй-жойли бўлиши, Тошкентда яшаш ва ишлайдиган бўлиши шарт.

Манзилим тахририятда. Нилуфар, Тошкент шахри

Ёшим 38 да. Катта ховлида бир ўзим яшайман. Оқила, дилкаш ва кувноқ 35 ёшгача бўлган бир аёл билан танишиб турмуш қурмоқчимман.

Манзилим тахририятда. Убайдулло

Газетамиз саҳифаларидаги мазкур рамз билан белгиланган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўлаб-қуватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди гранти доирасида тайёрланди.

Мактабда 7-синфда ўқиб юрган кезларимда кўнглимда унга нисбатан қандайдир илиқ туйғулар борлигини сезганман.

Ўқишга қизиқишим кучли эди. Лекин кўпроқ у борлиги туфайли мактабга борардим. У менинг хаёлимни банд этиб, нотинч қиларди. У ҳақида дугоналаримга мактаниб-мактаниб гапиргим келарди. Лекин мактабни битириб кетгунча ҳам ҳеч кимга, ҳатто ўзига ҳам оташ бўлиб юрагимни ёндираётган муҳаббатим-

Оллоҳ томонидан берилиб, кишининг сабрини синар экан.

Унинг исми юрагимни зиркиратиб юборади. Шунинг учун ўзимга қулай қилиб "У" дея битмокдаман. Уни ўйлаб, гоҳ тоқим тоқ бўлар, гоҳида эса ўзимга-ўзим бардош тилардим.

Шу зайдда кунлар ўтди, ширин хаёлларга бой ҳафталар, ойлар ва йиллар ўтди...

9-синфни битириб, мен шаҳардаги педагогика йўналишидаги коллежлардан бирининг талабаси бўлдим. Унинг эса омади чопмади. Ўзи истаган

варақлар қораланган ҳолда чиқди. Ўқиб кўрсам, уларда ишқ иси уфуриб турган, оловли муҳаббат ҳақидаги шеърлар битилган экан. Ўша лаҳзада юрагим қоқ иккига бўлиниб кетгандек бўлди. Чеки йўқ, асадек тотли хаёллар оғушида мен ҳам унга қалбимда гуллаб турган севги изҳорини мадҳ этувчи шеърлардан ёзиб юбордим. Ҳаётимда бўлаётган ўзгаришлардан ўзимда йўқ севиначардим.

Атрофдаги воқеа-ходисалар кайфиятимни буза олмади. Ишқ шаробидан мастона бўлганимдан ҳаммаша қулиб юрардим.

Унинг мактубларида келаятган шеърлар шу қадар маъноли, ширин дард, ширин орзуларга бой эдики, ўқиган сарим ўқигим келарди. Шеърлар ўзининг ижод маҳсулимикан деб уйлардим. Қаники мен ҳам ўт бўлиб вужудимни ёндираётган туйғуларимни шеърга кўчириб унга юборсам, дея ҳавас қилардим. Унинг юрагида менга жой борми-йўқ, айнан шу савол кўксимни тирнаб, тинчлик бермасди. Ахйри бир куни мактубимда: "Кўнгли саройингизнинг маликаси ким?" деб сўрашга жазм қилдим. Ундан яна севгига йўрилган шеърлар ва: "Ўқишга кир-

“КўНГЛИМ

ни сездирмай ишқ ўтида тоблардим.

Назаримда у ҳам менга эътиборлидек туюларди.

Мактабимиз тўққиз йиллик эди. У мендан икки синф юқорида ўқирди. Маҳалладош бўлганимиз учун мактабни битирганидан сўнг ҳам мен уни кўриб турардим.

Кўнглимдаги кечинмалар, ҳис-туйғулар, ширин хаёллар туфайли ҳаётга, яшашга, тезроқ улғайишга бўлган иштиёқ менга тинчлик бермасди. Атрофдаги барча жонли ва жонсиз жисملар ҳамма-ҳаммаси кўзимга ўзгача бир гўзалликда кўринар, гўёки жаннатий боғларда кезиб юргандек эдим.

Кўзимни юмиб хаёл сурсам, худди бадий асарларда тасвирланганидек мовий осмон остида гулзорни кезаман, зиллол сувларни кечаман, турфа хил гуллардан узаман. Гулларда омонатгина турган капалаклар ҳамда рўпарамдаги дарахт шохларидоғи булбуллар менга ҳаёт ва муҳаббат кўшигини қуйлаб сархуш қилаётгандек эди.

Ишқ иси уфуриб турган қўллаб бадий асарларни ўқиб чиққандим. Мирмуҳсиннинг "Умид", Уткир Ҳошимовнинг "Икки эшик ораси", Ойбекнинг "Кутлуғ қон" романларини тезроқ роёнига етказиш учун кечалари соат икки-учларгача мутолаа қилиб, қахрамонларнинг шодлигидан қувониб, ғамларига шерик бўлардим.

Асарлардаги ошиқ қалб эгаларининг қанчалик азобланганини ўқиган сари ҳайратим ошиб борарди. Муҳаббат дарди юракларга қанча кўп азоб-уқубатлар ёғдирса ҳам уни тобора кўпроқ яхши кўриб бораверар экансиз. Ишқ бир дарди бедаво эканки,



ҚОНАТДИНГ!..”

университет толиби бўлолмади. Келгуси йил тест синовларига тайёрланишда давом этди. Камини шаҳарда ўқишни бошладим. Шаҳарга кўниқиб анча кийин кечди.

Икки-уч hafta деганда уйга келардим. Ҳар гал келсам, уни кўрардим, у ҳам менга жуда кўп термулар, гўё кўзлари туйғуларини ифодаляётгандек туюларди.

Бир куни у баъзи китоблар номини қоғозга ёзиб, "Бор бўлса бериб туринг", дея синглисидан бериб юборибди. Мен бундан хурсанд бўлиб, шу сабаб яқинлашиб олиш мумкинлигини ўйладим. Сўраган китоблари орасига мен ҳам қоғозга ўзим учун керакли бўлган китоблар номини ёзиб юбордим. Зум ўтмай сўралган китобларим етиб келди.

Ҳар сафар қишлоққа қайтганимда шу ҳол такрорланар эди. Бир-биримиздан ёзма равишда китоб сўрардик. Бир куни келган китоблар орасидан 3-4 та

сам, айтаман", деган жавоб келди. Ана шу номадан сўнг мен унинг ўқишга кириб кетиши учун чин дилдан тангрига илтижо қила бошладим. Лекин иккинчи йил ҳам омади чопмади. Шунда билдимки, фақат билмининг ўзи камлик қиларкан. Бир-бирини мизга ҳамон китоблар ичида шеърлар битилган номалар келишда давом этарди. Унинг қаламига оид номаларнинг бирида: "Мана шу ёзишмаларни ҳеч қачон тўхтатмайлик, шеърларни кўпроқ ёзинг", деган мазмун уфуриб турарди. Бу гаплардан муҳаббат осмонининг энг баланд чўққиларида учиб юрардим. Ҳоҳласам ойни, хоҳласам юлдузни қучиб қайтардим.

ШАМСИЯ.
(Давоми бор)

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган кўлэмалар тахлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 20.00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент - 700000
Амир Темура кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

ҲОМИЙ: «Матбуот таркатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 1432. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 10753
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Наабатчи — Д. БРОХИМОВ
Мусаҳҳих — С. САЙДАЛИМОВ